

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**



ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналиши учун**

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Навоий – 2010

Ушбу “Экология ҳукуқи” фани маърузалар матни давлат стандарти ва таълим дастури мазмунига қўйиладиган талабларга мувофиқ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалавр йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган ҳолда тайёрланган бўлиб, унда табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, тамойиллари ва тизими, экология ҳуқуқининг манбалари, экология соҳасида давлат бошқаруви, экология қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати, ер ости бойликларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати каби мавзулар акс эттирилган.

“Давлат ва ҳуқуқ асослари” кафедраси йиғилиши мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган (мажлиснинг I-сонли 2010 йил 26 августдаги баённомаси).

Мазкур маъруза матни Навоий давлат педагогика институти Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Тузувчи:

ю.ф.н. Исанов Х.Р.

Тақризчилар:

**ф.ф.н.доц. Ражабов.
кат. ўқит. Худойбердиева.**

1-Мавзу: ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК.

Режа:

1. Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари.
2. Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан қарашлар тизими (концепциялар)
3. Табиатни муҳофаза қилиш принциплари (қоидалари)
4. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.

Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари.

Табиат - кенг маънода - бутун борлиқ, олам ва унинг хилма-хил шакллари; тор маънода - кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиритиш манбаи бўлган атроф табиий муҳит. Жамият ва табиат тизимини кўриб чиқаётганда иккинчи тор маънодаги тушунча қўлланилади. Чунки инсон ўзининг ҳаёти давомида бутун борлиқдан эмас, балким уни ўраб турувчи ва унинг таъсири доирасида турган атроф табиий муҳитдан фойдаланиши мумкин.

Инсон - тирик организмлар туркумига кирувчи мураккаб ижтимоий ва меҳнат фаолиятини юргазувчи индивид. Инсон тарихий - жамоат жараёни субъекти бўлиб, у Ер қуррасидаги моддий ва маънавий-маданий ривожланишнинг асосчисидир. Инсон бошқа турдаги тирик мавжудотлар билан генетик боғланган ҳолатда, лекин улардан онгининг юқорилиги, меҳнат қуролларини ишлаб чиқара олиши, нутқнинг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, ҳамда ахлоқий, маънавий ва руҳий ўз ўзини англай олиши билан ажралиб туради.

Жамият - кенг маънода инсонларнинг тарихан қарор топган биргаликдаги фаолиятлари мажмуи ёки тор маънода - ижтимоий муносабатларнинг конкрет типи. Шундай қилиб, ақлий меҳнат фаолиятига эга бўлган инсонлар йиғиндиси бўлган жамият атроф табиий муҳит билан пассив (суст) эмас, балким актив (фаол) таъсир доирасида бўлиши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари" деган асарида "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир" деган эдилар.

Агарда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга инсон ҳаётининг тарихи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни қуйидаги муносабат шаклларига ажратсак бўлади:

1. оддий,
2. оддий-иқтисодий,
3. иқтисодий,
4. иқтисодий-экологик,
5. экологик.

Жамият ва табиат ўртасидаги оддий муносабат шакли - кишиларни экологик тизимни бузмайдиган соддалаштирилган ҳаёт тарзи. Экологик тизим (экотизим) - тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф табиий муҳит билан узвий алоқадорлик қонунияти асосида бўлган ҳолати. Бу шакл кишиларнинг ибтидоий жамоа тузумидаги ҳаёт тарзига, яъни инсоният тарихининг илк ижтимоий-иқтисодий формацияси даврига хосдир. Бу давр ўз ичига одамларнинг Ер

куррасида пайдо бўлиши (3-4 млн. йил аввал) давридан то синфий жамият юзага келгунига қадар муддатни ўз ичига олади. Ибтидоий одамларда ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари ниҳоятда паст даражада бўлганлиги туфайли уларнинг ҳаёт тарзи табиатнинг ажралмас бир оддий бўлаги сифатида намоён бўлган. Атроф табиий муҳит ҳолати эса тирик организмлар учун нисбатан қулай - экологик хавфсиз муҳит дейиш мумкин. Ибтидоий жамоа бўлиб яшаш даврида ҳам инсонлар ўзларининг фаолияти табиатга қандай таъсир этаётганлиги ҳақида ўйлаб кўрганлар ва уларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган табиий объектларни сақлаб қолишга уринганлар. Мевали ўсимликларни сақлаш, ҳайвонларнинг ов қилиш меъёрий белгилашни ёзма равишда эмас, балким оғзаки равишда келишиб олганлар. Бундай оғзаки қоидаларни бузганларни жамоа бошлиғи томонидан ўлимгача маҳкум этганлар.

Синфий жамият шакллана борган сари, кишилар сони ва ишлаб чиқариш қуролларининг сифати ўсиб бориши билан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги шакли - оддий-иқтисодий кўриниши намоён бўлган. Натижада, кишиларнинг ҳаёт тарзи табиий муҳитни маълум бир кичик майдон ва макон бўйича экологик хавфсизлик даражасини кескунлашувига олиб келган. Бундан "локал" кўринишдаги бузилган майдонлар кишиларни жамоа бўлиб тўпланган ерларга хос бўлган. Лекин улар атроф муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига тўлиғича таъсир эта олмаганлар.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оддий-иқтисодий шакл - ибтидоий жамоа тузумининг сўнги даври ва қулдорлик тузumi даврига тўғри келади. Эрамиздан аввал 12-15-минг йилликлардан бошлаб (мезолит даври) маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш қуроли сифатида найза, камон, айланма ейларни пайдо бўлиши ҳайвонот дунёсининг камая боришига, метал омор ва белкуракларни яратилиши - ерларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни пайдо бўлишига ва улар ўз навбатида ерларнинг ҳолатига таъсир этишни бошлади. Ирригацион шаҳобчаларни оддий кўринишдаги "туғон" усули - обикор (суғорма) деҳқончиликни дарё ўзанида "лиман" услубини пайдо бўлишига ва дарёларнинг табиий сув режимини ўзгаришига сабаб бўлди. Уй ҳайвонларининг кўпайиши Чирчиқ, Зарафшон, Қўйи Амударё, Сирдарё дарёлари водийларида ўсимлик дунёсининг табиатига таъсир этди.

Жамият ва табиат ўртасидаги оддий-иқтисодий муносабат шакли табиий муҳитнинг энг асосий элементлари - ер ва сувнинг экологик тизимдаги кичик айланишига таъсир этди. Лекин бундай ижтимоий муҳит ҳолати экологик тизимларнинг буферлик (қарши туриш ва тикланиш) хусусиятига салбий таъсир қила олмаган эди.

Кишилар фаолиятининг табиатга оддий-иқтисодий таъсири даврида маълум бир ҳудудларда сезиларли даражада экологик хавфсиз муҳитга таъсир этгани учун ҳам қадимги ёзув ва қонун кучига эга бўлган китобларда табиатга нисбатан инсонларнинг эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари кўрсатилиб ўтилган. Масалан, Зардуштларнинг "Авесто" китобига биноан болалар ёшлигиданоқ дарахт кўчатини ўтказишлари шарт бўлган. Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкумдир.

Жамиятда ишлаб чиқарувчилар ва амалдорлар синфининг шакллана бориши ва иш қуролларининг такомиллашиб давлатлар орасидаги низоларнинг кенгайиши феодализм ва илк бозор муносабатлари юзага келган капитализм давларида иқтисодий муносабат шакли юзага келди ва ривожланди.

Жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли фақатгина иқтисодий маданиятлашган кишиларнинг ўз иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учунгина атроф табиатни истеъмолчилик психологияси позициясидан туриб фойдаланиши натижасида атроф муҳит ифлосланиши, ресурслар камайиши ва табиат тизимларининг ўзгаришига олиб келадиган инсонларнинг ҳаёт тарзи. Экологик тизимлар катта майдонларда ва кенг миқёсда (глобал) бузилиши кузатилади. Бу даврда гарчи инсоният тарихида илк бор ҳуқуқий элементларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда диний ва бошқа ҳуқуқ институтлари манбаларининг пайдо бўлишига қарамадан инсонларнинг экологик онги, билими ва

маданияти жуда паст эди. Тавротда ҳам, Қуръони Каримда ҳам, Инжилда ҳам одамзоднинг қиёмат кунларини табиат билан боғлаш бежиз бўлмагандир. Мисрдаги Хеопса пирамидаларидаги тошлардан бирига, - "Инсонлар табиат кучларидан фойдалана ололмасликлари ва моддий дунёнинг асл моҳиятини тушунмасдан ҳалок бўладилар", - деб битилгани бежиз эмас.

Атроф муҳитнинг табиий ифлосланиши инсон фаолиятини бевосита иштирокисиз кечадиган табиатдаги жараён ва ҳодисалар: қуёш-космик (метеоритларнинг тушуши, магнит бўрони); иқлим - гидрологик (тайфун, бўрон, сув тошқини, ҳаво-температураси ва ёғин ёғишларнинг кам қайтариладиган аномал ўзгаришлари...); геологик - геоморфологик (зилзила, цунами, вулканнинг отилиши, сел кетиши, қор кўчиши, сурилма, ўпирилиш ва тош тушиши, музликларнинг бостириши...); геохимик (ер ости табиий газларнинг портлаши, шўрланиш, ботқокликлардан заҳарли газлардан чиқиши, сунъий материалларни коррозияси...); биологик (ёппасига зараркунанда ҳашорат ва кумурскаларнинг кўпайиши, ўрмонларнинг қуриб кетиши натижасидаги ёнғинлар...). Уларнинг экологик хавфсиз муҳитга таъсири иқтисодий шаклда 3-10% ташкил этади. Лекин табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши билвосита атроф муҳитнинг табиий ифлосланиш даражасини кундан кунга ортириб юбормоқда. С.М. Мягковнинг¹ маълумотларига кўра бу ўзгаришнинг йиллик коэффициенти - 0,2-0,3 бўлиб, бу кўрсаткич жараён ва ҳодисаларнинг турига қараб ўзгариб боради.

Табиий ресурсларни камайиб ва йўқолиб бориши ҳамда табиий объектларнинг ифлосланиши экологик тизимларнинг бузилишига ва экологик инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки кичик ва катта экологик тизимларнинг айланиши занжирида турган бирон бир табиий объектнинг йўқолиши ёки унинг экологик хусусиятини ифлосланиш натижасида камайиб қолиши табиатни ўз-ўзини асраш, ташқи кучларга қарши туриш (буферлиги) ва қайта тикланиш хусусиятларини йўқотиб қўяди. Экологик инқироз - жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор равишда бузилиши натижасида атроф табиий муҳит ҳолатини ёмонлашиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган ҳолатдан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятларининг йўқолиши, яъни табиий муҳит инқироzi ва ижтимоий муҳит фалокати.

Экологик инқирозга мисол бўлиб Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳолатни олсак бўлади. Қачонлардир дунёда энг катта қўллар тоифасига кирган Орол денгизи 30-40 йил ичида энг шўр, ифлосланган ва халқ хўжалиги аҳамиятига кам эга бўлган ўртача қўллар тоифасига кириб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарё сув режимини кескин ўзгариш, яъни 1982-1983 йилларга келиб уларнинг Оролга сув қўйишининг 12-13 баробарга камайиб кетишидир. Натижада сув сатҳи 16 метрга, сув юзаси 2 баробарга, сув ҳажми 4 баробарга камайиб кетди. Сувдан қуриган юза 3.3 млн.гектарни ташкил қилгани ҳолда дефляция (шамол эрозияси) натижасида тузлар минглаб километргача бўлган масофада атроф муҳитни ифлослантирди, натижада Амударё ва Сирдарё сувларини оғир металллар, пестицид, гербицид каби кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шўрланиши натижасида уларнинг сувиниичимлик суви сифатида фойдалана бўлмаслигини мутахассислар исбот қилиб беришди. Қачонлардир балиқчилик ва ов қилиш маскани бўлган қўйи Амударё қуриган қолдиқ қўллар ва шўрланган тупроқлар масканига айланиб қолди.

Иқтисодий муносабат шакли даврига хос экологик қонунлардан Мазовларнинг XIII-XIV асрларда "Ўрмон, тур, зубр ва тарпанларни муҳофазаси", литва князи Сигизмунд-II нинг "Волок низоми"да балиқларнинг урчиш даврида ов қилиш ман этилган. XIV асрда Францияда "Сувлар ва ўрмонлар" махсус бошқармаси тузилган бўлиб, унинг вазифаси ўрмонларни муҳофаза қилиш эди. Қадимги Вильгельм подшоҳлиги даврида кийик, ёввойи чучқа ва хаттоки қуёнларни ўлдирганлари учун кишиларга ўлим жазоси белгиланган. Аммо бу қонунлар умумий атроф табиий муҳитни эмас, балким феодал мулкни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга қаратилган эди.

Табиатни ҳудудий муҳофазалаш тўғрисида чора тадбирлар XVI асрда Дания қироли Христиан-III қарорига биноан амалга оширилган. Худди шундай денгиз бўйидаги қумларни кўчишидан сақловчи қонунлар Пруссияда, Нидерландияда, Францияда ҳам қабул қилинган. XIX ва XX асрнинг биринчи ярмида ҳам алоҳида бир табиий объектлар ёки интеграл-худудий объектлар бўйича юзлаб қонунлар ва шунга асосан бошқарув ва назорат органлари ташкил этилди. Лекин уларнинг бошқарув ва назорат функциялари сиёсий ахволга қараб ўзгариб турар ва улар айрим мулк эгаларига хизмат қилар эди ҳолос.

Ер қуррасида экологик инқирозли объект ва ҳудудларнинг кенгайиши, оммавий касалликларни кўпайиши XX-асрнинг иккинчи палласига келиб кишилар эътиборини табиатга қарашга мажбур этди. Европа, Айрим Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларида нафақат табиатдан самарали фойдаланиш, балким уни асрашга бағишланган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва ўша асосида экологик чора тадбирлар амалга оширилди. Натижада табиат билан жамият ўртасида янги муносабат - иқтисодий-экологик шакл юзага келди.

Жамият ва табиат ўртасида иқтисодий-экологик муносабат шакли - мавжуд экологик тизимни сақлаб қолиш даражасидаги кишиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзи.

Америка Қўшма штатлари, Япония, Швеция, Германия, Швеция каби мамлакатлар экологик қонунчилик тизими экологик муносабат шаклига мослаштирилган бўлиб, давлат томонидан кишиларнинг ҳар қандай экологик чора-тадбирлари тўлиғича қўллаб қувватланилади. Табиий ресурсларни камайтириш, табиатни ифлослантириш нафақат фуқароларга, балки давлат идоралари ходимларига ҳам на моддий ва на маънавий фойда келтирмайди. Масалан, АҚШ "Атроф табиатни муҳофаза қилиш миллий сиёсати" (НЕПА) қонунига биноан ҳамма жисмоний ва юридик шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам) бирон бир табиий объектдан фойдаланишларидан аввал турли кўринишдаги тест синовларидан ўтишади ва табиатга кўрсатиши мумкин бўлган "Ариза"ни топширадилар. Бу тест синовлар натижасининг бошидаёқ 10 % "Аризалар" судлар иш фаолиятига кириб қолади. Президент ижроия кўмитаси қошидаги табиатни муҳофаза қилиш Кенгаши ҳар ойда Кенгашга келиб тушган "Аризалар" рўйхати ва судларнинг қабул қилган қарорлари тўғрисида очиқ маълумотномалар эълон қилади. Ундан ташқари табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир Америка штати ўзига яраша қонун қабул қилиш имконига эга. Чунки штатдаги экологик ҳолат аввалам бор маҳаллий аҳолига таъсир қилиши қонунчилик тизимни белгилаб беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк бор қабул қилган қонунларидан бири "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. Бу қонун 9 декабр 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда қабул қилинган бўлиб, ундаги принцип ва меъёрлар табиат билан жамият муносабатлари ўзаро уйғунлашган ҳолда бўлишини тақазо қилади. Мамлакатимиз ёш, тез суратлар билан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига томон олға бораётган давлатлар тоифасига киради. Иқтисодий ривожланиш, вақтинчалик, жуда бой (100 га яқин минерал хом ашё туридан фойдаланилади) табиий ресурслардан фойдаланишга суянган ҳолда амалга ошмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам миллий қонунчилигимиз орқали табиат иномларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шакли иқтисодий-экологик кўринишдадир. Қабул қилинган экологияга оид 20 зиёд қонунлар табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қила олади, лекин бу қонун меъёрларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш шу қонуннинг долзарб масалалари туркумига киради.

Табиий муҳитни инқирозга, ижтимоий муҳитни фалокатга олиб келмаслик учун биз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олишимиз керак.

Жамият ва табиат ўртасидаги экологик муносабат шакли деб биз кишиларни табиат ресурслардан ўта самарали фойдаланишга, қайта тиклаш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзини тушунамиз. Бундай ҳаёт тарзи мавжуд экологик тизимни соғломлаштиришга олиб келади. Экологик муносабат шаклида давлатнинг бошқарув тизими аввалам бор экологик нобоп ҳудуд ва объектларни тиклашга қаратилган бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш технологияси биринчи навбатда кам чиқитли ёки ёпиқ ҳолда бўлишни талаб этади. Экологик онг ва маданият кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини белгиловчи мезон омили бўлиб қолади. Экологик қонунлар ва норматив ҳужжатлар нафақат бевосита, балки билвосита ҳам экологиялаштирилган ва амалий тадбиқи механизмга тўлиқ асосланган бўлишини талаб қилади. Табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш ва табиий объектлар "реконструкцияси" бир мамлакат миқёсида эмас, балким экологик хавфли ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва улар давлат томонидан алоҳида муҳофаза этиш объектига киришини таъказо қилади.

2. Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан қарашлар тизими (концепциялар)

Бизнинг фикримизча миллий ва халқаро экологик-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишдан аввал уч асосий масалани аниқлаштириб олиш даркор. Биринчиси - табиатга нисбатан жамиятнинг (конкрет давлат ҳокимиятининг) муносабат шаклини аниқлаб олиш; иккинчидан - жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан концепциясини ишлаб чиқиш; учинчиси - шу муносабатларни амалга оширишнинг асосий принциплар (қоидалари)ни белгилаш. Бу баён этилган уч вазифаларни бажармаслик экологик-ҳуқуқий меъёрларни ягона бир мақсадга хизмат қилмаслигига, ва оқибатда қонунларни тез-тез ўзгариб туришига, экологик меъёрларнинг амалий тадбиқи қийинлашувига сабаб бўлади. Шундай қилиб, биз табиат ва жамият ўртасидаги турлича муносабат шакллари кўриб чиқдик. Лекин, инсонларнинг табиатга нисбатан дунёқарашлари, уларнинг ҳарактерига ўхшаб, турлича бўлиши табиий ҳолдир. Инсонларнинг дунёқараши, - деган эди Абу Наср Фаробий, - уларнинг ташқи кўринишига ўхшаб турлича бўлади ва бу фазилат уларнинг илмига, ҳаёт тарзига, яшаш муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Биз ҳам улуғ ўрта аср файласуфи А.Н. Фаробий фикрига тўлиғича қўшилиб экология борасидаги қарашлар тизимини кўриб чиқамиз. Буюк рус эколог олими Н.Ф. Реймерс экология кенг маънода "инсонларни яшаб кетиши ҳақидаги таълимот" деб бежиз айтмаган. Чунки инсонларнинг чегараланган Ер кураида яшаш муддати уларнинг экологик дунёқараши ва бу дунёқарашларнинг амалиётда тадбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади.

Экологик концепция - табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни жамият қонунлари билан табиат қонунларининг ўзаро ҳаракат йўналишлари ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги дунёқараш.

Жамият қонунлари - кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ёки бирон бир объектга нисбатан муносабатини белгилайдиган ҳуқуқий-меъёрлар йиғиндиси.

Табиат қонунлари - кишиларни ўртаб турувчи табиий муҳитда кечаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсинмайдиган ва кишилар фаолиятисиз намоён бўла оладиган кечинмаси. Табиат қонунларига: табиий омилларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, табиий модда (сув, энергия, кислород, углерод...)ларнинг катта ва кичик айланиши, модда ва энергия сақланиши, табиий ресурсларни камая бориши, эволюцион тезланиш, тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши ва ҳ.к.

Натуралистик концепция - жамиятдан устун турувчи табиатни илоҳий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Бундай қарашлар

тизими табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг оддий ва оддий-иқтисодий шакли давридаги кишиларга ҳос дунёқараш. Шунинг учун ҳам уларнинг худоси сув, олов, ер ва бошқа табиат объектлари ёки ҳодисалари бўлиб келган. Улар шу муҳитда табиатнинг бир бўлаги сифатида яшаб келганлар ва ўзгача яшашни тушуна олмайдилар ҳам.

Натуралистик концепциясига қарама-қарши дунёқараш **истеъмомчилик концепцияси** - жамият қонунларини табиат қонунларидан устун ёки кишиларни табиат устидан ҳукмронлик ғоясини илгари сурадиганлар. Бундай ғоя намоёндалари жамиятни иқтисодий муносабат шаклига олиб келганлар. Бу оқимга кирувчилар асосан бозор муносабатлари шаклланишни бошлаган капитализмнинг бошланғич даврида турган "янги бизнес" соҳибларидир. Улар ҳақида буюк америкалик ёзувчи Джек Лондон ўзининг ўлмас асарларида акс этган ва олтин орқасидан қувиб бутун борлиқ табиатни фақатгина уларнинг иқтисодий талабларини қондириш манбаи деб қарайдиганлар. Ҳозирги кунда Россиядаги "нефть" ва "газ баронлари" ҳам буларга яққол мисол бўла оладилар. Улар учун бойлик бирламчи, табиат ва инсонлар ҳаёти иккиламчидир.

Илмий-техник революция ва демографик портлаш оқибатидан чиқиб кетишни тавсия қилувчи ғарб социологларининг ҳаракатлар стратегияси намоёндалари уч йўлни маъқул кўряптилар. Бу йўлдаги дунёқарашлар тизими: табиатга аралашмаслик; муаммоси бор табиат қонунларига хужум қилиш ёки аралаштириш; атроф муҳитга кишиларни мослаштириш орқали кишилиқ жамиятини бошқариш.

Табиатга аралашмаслик - концепциясини ҳаракатсизликлар стратегиясига киргазиш мумкин. Чунки, биринчидан, - экологик тизимларни айрим ҳудуд ва минтақаларда бузунганлигига бефарқ, аралашмасдан қараб туриб бўлмайди. Иккинчидан, - Ер қуррасида яшаётган 6 млрд. аҳолини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга мажбурмиз. Табиатга аралашмаслик принципини алоҳида бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар - биосфера қўриқхонаси ва қўриқхоналарда амалга оширса бўлади, лекин оммавий тарзда табиатдан ажралган ҳолда инсонларнинг ҳаётини тассавур қилиш қийиндир.

Атроф табиий муҳитга кишиларни мослаштириш орқали экологик инқироздан чиқиб кетишни тавсия этаётганлар бир томонлама экологик тизимларни ташқи кучларга нисбатан қарши туриш (буферлик) ва ўз-ўзини тиклаш қонуниятларига ишонган ҳолда инсонларни ҳаракат доирасини шунга монанд равишда олиб боришни тавсия этсалар, иккинчи томондан кишиларни тарихан атроф муҳитга мослашиб боришининг эволюцион жараёнларини жадаллаштиришни ёқлаб чиқадиганлар. Бу концепция намоёндалари табиат қонунларини жамият қонунларига қўчиришга уринаётганлар десак муболаға бўлмайди. Афсуски бу қонунлар ҳозирги инсоният тарихи босқичида қўпинча бир-бирига зид ва бири иккинчисини инкор этиши мумкин. Масалан, атом энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш ва космик тадқиқотларни чуқурлаштириш дастурлари экологик тизимларни сақланиш қонуниятлари билан зид бўлган ҳаракатлар тоифасига киради. Инсонларни ўзгараётган табиий муҳитга мослаштириш революцион тарзда эмас эволюцион тарзда, табиий танлаш орқали амалга ошириш бу жараён эмас, балким қонуниятдир. Табиат инсоннинг бир бўлаги эмас, балким инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳеч қачон инкор қилиби бўлмайди.

Глобал бошқарув концепцияси - атроф табиий муҳит компонентлари ягона бир тизимда ҳаракат қилади ва улар ажралмасдир деган ғояни олға сурувчилар. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш маълум бир ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балким халқаро миқёсда, бутун дунё ҳамжамятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширишини ёқлаб чиқадиганлар. Уларнинг намоёндалари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона бир ташкилотни тузишни ва бу ташкилот нафақат бошқарув, балким назорат ваколатига эга бўлишини ёқлаб чичқадилар. Уларнинг фикрича, БМТнинг ЮНЕП, ЮНЕСКО, ВОЗ, МОП деган ташкилотлари, ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экология борасидаги фаолиятини кузатадилар ва фактларни келтирадилар, дейдилар. Афсуски бундай оқим намоёндалари Ер қуррасидаги ҳамма давлатларнинг суверен ҳуқуқи бўлмиш табиий

ресурслардан ўз қонунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инобатга олишмаяпти. Лекин, бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният олдинми ёки кечми албатта етиб боради. Чунки маълум бир жойдаги экологик инқироз (Орол денгизи муаммоси, Чернобил АЭС фалокати, Охота денгизининг радиоактив моддалар билан заҳарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балким глобал таъсир кучга эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аёндыр.

Экологик революциялар концепцияси - сиёсий тузум ва кишиларни экологик дунёқарашларини кескин равишда - революцион йўл билан истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказиш. Аммо бу таклиф қанчалик яхши бўлмасин, бир қондани эсдан чиқармасликка ундайди - кишилиқ жамиятида (табиатдаги сингари) революцион йўл билан бирон бир тадбирни амалга ошириш уларда салбий оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Лекин ҳозирги экологик инқироз ҳолати экологик онг, маданият, ўқув ва тарбияни кенг микёсда ва жадал суръатларда олиб боришни тақозо қилади. Акс ҳолда "табиатдаги тизимларни эволюцион ривожланишини орқага қайтариб бўлмайди" деган табиат қонуни ўзининг салбий кўринишларини сақлаб қолиши ва эски ижобий тизимни тиклаш имконияти бўлмаслиги мумкин.

Социалистик концепция асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан кенг таърифланган дунёқараш атроф табиий муҳит ҳолатини инобатга олиб жамият кучларини бир меъёрга режали ривожлантиришни ёқлаб чиқадиганлар. Албатта бу дунёқараш амалда (70 йил Совет тузуми ҳукм сурганда) ўз ифодасини топа олмади. Табиатни бирон бир мамлакатда режали муҳофаза қилиш ёки ундан фойдаланиш экологик ҳолатга эмас, балким иқтисодий -ижтимоий, сиёсий ҳолатга қараб олиб борилишини исбот қилди. Табиий ресурсларни аниқ ҳисобини олиш ва улардан режали фойдаланиш бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда эмас, балким бутун бир регион ёки Ер қурраси бўйича глобал ҳолда амалга ошириш мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган экологик концепциялардан ташқари дунёнинг турли жойларида, турли дунёқарашга эга бўлган қарашлар тизимидаги партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд. Лекин, бизнингча, экологик концепция - табиат қонунлари билан жамият қонунларини ўзаро уйғунлашган ва илмий асосланган ҳолда ривожланишини ёқлаб чиқадиган қарашлар тизимидир. Акс ҳолда бошқача қарашлар тизими ноэкологик концепциялар тизимига киради.

Табиатни муҳофаза қилиш принциплари (тамойиллари)

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакллари ва концепцияларидан келиб чиқадиган ҳамда экологик қонунларни мақсади ва моҳиятини белгилаб берадиган учинчи кадам - кишиларнинг жамиятдаги экологик муносабатларида амал қилиши керак бўлган асосий принциплари ёки қондалари. Бу принциплар табиат қонуниятларига асосланган бўлиб улар қуйдагилардан иборатдир:

1. Табиий ҳодиса ва жараёнлар кўпқирраликдир. Шунинг учун ҳам улар ҳар томонлама объектив баҳоланиши керак. Бу деган сўз ҳар бир табиий ҳодиса ёки объектга халқ хўжалигининг соҳавий заруриятига қараб ёндошиш керак. Лекин бу соҳавий ёндошув аввалам бор экологик тизимларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш нуқтаи назардан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта Осиё шароитида ўрмон - қурилиш ёки химик хом ашё манбаи эмас, балким экологик тизим ёки ландшафтларни бир меъёрга ушлаб турувчи элемент сифатида қаралиши керак. Чунки бу минтақада бор йўғи умумий майдоннинг бир фоизидан ошмайдиган сийрак дарахтзор ва бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида "яшил қалқон", иқлимни мўътадиллаштирадиган компонент, аҳолини маданий дам олишини таъминлайдиган объект сифатида қарашни тақозо этади.

Сув фондидаги дарёлар Ўрта Осиё шароитида суғориш ёки рекреация манбаи эмас, аввалам бор ичимлик суви ва аҳолини маиший хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки иссиқ иқлимли арид (курук) шароитда сув аҳоли учун ҳаёт манбаидир. Сибирь, Узоқ Шарқ каби совуқ ёки нам иқлимли минтақалар учун дарёлар аввалам бор аҳолини транспорт хизмати бажарувчи ва арзон энергетика манбаидир. Дарёлар инсонларнинг ҳаёти учун билвосита қишлоқ хўжалиги, металлургия, тоғ-кон саноати, химия каби сувни кўп талаб қилувчи халқ хўжалиги тармоқлари орқали хизмат қилади. Асосийси табиат компонентлари турли чиқитлар ёки ахлатлар ташлайдиган табиий объект бўлиб қолмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, табиий ҳодиса ва жараёнларнинг кўпқирралик принципи маълум бир табиий объектдан турли хил халқ хўжалиги соҳаларида улардан фойдаланишни инкор этмайди, лекин фойдаланишда экологик тизимларни сақлаб қолиш ёки тиклаш нуқтаи назардан устувор (приоритет) соҳаларни белгилашни тақозо қилади.

2. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир, яъни маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда экологик тадбирларни олиб бориш кераклиги принципи. Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг таянчи бўлган табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш уларни ҳар томонлама (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий) баҳолашни, истикболли йўналишларини аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Чунки Ўзбекистон Республикасида (умуман Ер қуррасида) табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган. Бирон бир минтақада маълум бир табиий объект ёки ресурснинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг етишмаслигини қоплаб бера олмайди ёки бирон бир минтақада экологик хавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инқирозини бартараф этишга асос бўла олмайди.

3. Табиий ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлангандир. Биринчи экологик минтақавий принципни давоми сифатида шуни айтиш керакки табиатнинг маълум бир объектини муҳофазалаш ёки уни бузиш қолган табиий объектларга ўз ижобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказди, яъни "занжир реакцияси" усулида ишлайди.

Табиатда дарё ва кўлларни муҳофазалаш ўз ўзидан ундаги балиқларни ва сув ўтларни муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асраш аввалам бор улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавосининг ва сувларнинг тозаллигини ушлаб туришга, тупроқнинг унумдорлик хусусиятларини сақлаб қолишга имкон беради. Аксинча, тупроқ унумдорлигини йўқотиш, ўсимлик дунёсини сийраклашувига ва сўнгра, уларда яшовчи ва озикланувчи ҳайвонот дунёсини камайишига ёки қирилиб кетишига олиб келади. Экологик тизимда бир объект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

4. "Занжир реакцияси" қонуниятининг давоми, лекин учинчи табиат принципига қарама-қарши бўлган қоида - бирон бир табиий объект муҳофазаси иккинчи бир табиий объектнинг зарари бўлиши ҳам мумкинлиги. Масалан, Африка китъасидаги миллий боғларда ташкил этилган қўриқхоналарда филлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсини сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам маълум бир объект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни қолган табиий объектлар имкониятларига монанд равишда ва илмий асосланган тарзда амалга оширишни тақозо қилади.

5. Юқорида зикр этилган тўрт экологик принцип бизлардан табиат муҳофазасига комплекс ёндошув принципини тадбиқ қилишни тақозо қилади. Табиатни муҳофаза қилиш ва шу билан бир қаторда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бирон бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди, балки комплекс соҳалараро бошқарув ва назорат асосида амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон

Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг фаолияти худди шу комплекслик принципага асослангандир.

Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш бир қараганда табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга ўхшайди. Лекин, экологик тизимдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашуви ҳам табиий объектларнинг бири иккинчисига таъсир этиши, яъни фойдаланиши ва муҳофаза қилиши асосида бўлади. Хеч қайси бир тирик мавжудод (хайвонот дунёси, ўсимликлар, инсонлар) атроф табиатдан фойдаланмасдан туриб ҳаёт кечири олмайди. Маълум бир экологик меъёрадаги бу ҳаракатлар экологик тизимларни ушлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан бир вақтнинг ўзида табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш принципи келиб чиқади. Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган ҳаракатлари экологик принципларга ёндошган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб қилади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин акси эмасдир.

Ўзбекистоннинг экологик сиёсати

Ер қуррасида юзага келаётган экологик нобоп муҳитнинг чуқурлашувида озми-кўпми Ўзбекистон Республикасининг иштироки бор. Истиқомат қилаётган 24 млн.дан зиёд аҳолининг ярмидан кўпроғи экологик хавфсиз бўлмаган муҳитда истиқомат қилмоқда. Орол денгизи ва унинг атрофида рўй берган экологик инқироз ҳолати Совет даврининг нозоологик аграр ва иқтисодий сиёсатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз, шахсан Президент И.А.Каримов, экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топмоқдалар.

XX аср охирига келиб Ўзбекистонда қуйидаги тактик ва стратегик йўналишлар ишлаб чиқилган: "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури", "Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг экологик таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси", "Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури", "Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа". Бу ҳужжатларда давлатимизнинг жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакли, ҳозирги кунда ва келажакда қандай бўлиши, Ўзбекистоннинг экологик концепцияси, мақсади ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади - кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий -экологик муносабат шаклини қўллаш.

29 август 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги Қонунида мамлакатимизнинг **экологик концепцияси** берилган бўлиб, унда қуйидагиларга эътибор берилган:

- шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишиларни соғлигини муҳофаза қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал ҳолатдаги экологик шароитларни яратиб бериш;
- жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мўтадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;
- давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган барқарор ривожланиш, минтақавий иқтисодий ҳолатни муътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Шундай қилиб Ўзбекистон учун ягона бўлган шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири - экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир. Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажармоқ учун органик

ривожланиш билан бир қаторда муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини қўллашни маъқул деб топган. Бу деган сўз шахс, жамият ва давлатнинг экологик талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш керак.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деган асарида ҳамда "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури"да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур;

- саноат корхоналарида атмосферага ҳавосига сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олганга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим;

- қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор;

- фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш керак. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш даркор ва унинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифадир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш) муҳим аҳамиятга эга;

- кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш тадбирларини ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш) лозим;

- жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак;

- қурилиш ва ободонлаштиришни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларда экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;

- жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим;

- халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш - биринчи даражали вазифадир.

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун "Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий Дастури"да куйидаги принципларга амал қилишни тавсия этилган:

- давлат экологик ислохотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
- экологик ҳаражатларни молиялаш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиқтисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экологиялаштириш;
- атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтиб ўтилган экологик сиёсатини амалга оширувчи табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакли, табиат қонуниятларига жамият қонунларини мослаштириш, экологик чора-тадбирлар ва асосий танланган тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилса ва амалиётда улар ўз тадбиғини топса, сўзсиз, бизнинг мамлакатимиз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олиши мумкин. Бундай сиёсат шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ҳаётий зарур бўлган миллий хавфсизлигини таъминлашда катта омил бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: "Ўзбекистон", 1996.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.: "Ўзбекистон", 1999.
3. Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: "Ўзбекистон", 2002.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: "Ўзбекистон", 2003.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: "Ўзбекистон", 2004.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008.
7. Экология ҳуқуқи. Дарслик. /Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 361 б.
8. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи. Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 320 б.
9. Бринчук М.М. Экологическое право. Учебник. - М.: 2004. - 354 с.
10. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник.-М.: «Бек», 1997.- 367 с.
11. Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. - М.: Дело, 2001. - 768 с.
12. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. // Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 477 б.
13. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Монография. Под редакцией М.Х. Рустамбоева, М.Б. Усманова. - Ташкент: ТГЮИ, 2004. - 200 с.
14. Файзиев Ш.Х. Экологическая политика государства: проблемы правового обеспечения. - Ташкент: 2004. - 240 с.
15. Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -131 б.
16. Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунига

шарҳ. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 89 б.

17. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. - Тошкент: "Адолат", 2000. - 352 б.

18. Скрипников Н.К. Правовое регулирование организации и деятельности фермерского хозяйства. Учебное пособие для магистров. – Ташкент: ТГЮИ, 2009, -119 с.

2- Мавзу: Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети таъминлари ва тизими.

РЕЖА:

1. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган ўрни.
2. Экология ҳуқуқи фанининг ривожланиш тарихи.
3. Экология ҳуқуқи фанининг предмети, таъминлари усуллари ва тизими.

1.Экология ҳуқуқининг тушунчаси, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган ўрни.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик турли йўналиш ва шаклларда узок вақт давомида амалга оширилиб келинмоқда.

Асрлар давомида инсоният табиат қонуниятларига мослашиб, узининг турли эҳтиёжларини қондириш учун табиатдан фойдаланиб, унга таъсир қўлатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият аъзолари онгининг тобора такомиллашиши, оила меҳнат қуролларининг ихтиро этилиши уз навбатида, инсоннинг турли эҳтиёжларининг ривожланишига олиб келди. Инсон уз эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурслардан фойдаланиб салбий таъсир қўлати бошлади. Жамият аъзоларининг табиатдан фойдаланиш бўйича эҳтиёжларининг ошиши, табиий ресурслардан фойдаланиш қуроллари, яъни техникавий воситаларнинг такомиллашишига олиб келди. Ушбу ҳолат уз навбатида табиатга жамият томонидан бўладиган таъсирларнинг бир неча баробар қўпайишига олиб келди. XIX асрнинг иккинчи XX асрларда инсон тафаккурининг ривожланиши илм-фаннинг тараккий этишига уз навбатида инсоннинг турли эҳтиёжларини қондиришга, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Албатта, оила теңнологик жараён иш унимдорлигини, иқтисодий даромадни қўпайтириши билан бир қаторда табиий ресурсларнинг ҳолатига салбий таъсирларни оширишига, шунингдек табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мувоzanатни бузилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиат ва жамият ўртасидаги муносабатнинг шундай йўлга қўйилиши керакки, ўзаро таъсирлар натижасида табиий ресурс, экологик тизимлар ҳолати ва аҳолининг соғлиги, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларининг даражасига бўладиган салбий оқибатларни иложи борица қамайишига олиб келиниши зарурдир.

Мухим табиий ресурслар ҳисобланган ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик, ҳайвонат дунёси ва бошқа табиий захираларнинг инсон, жамият ўртасида тутган ўрни бекиёсдир.

Шунинг учун ҳар қандай жамиятда табиатдан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, табиат захираларини қелажақ авлодга мерос қилиб қолдириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Экология ҳуқуқи-табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишни урганувчи фандир.

Экология ҳуқуқи бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустақил ҳуқуқ тизимида уз салоҳиятига эга бўлган алоҳида йуналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг моҳияти тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар доираси ва даражасига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида тартибга солаётган ижтимоий муносабатларнинг кенглиги, мураккаблиги, хилма-хиллиги ва узига хос хусусиятлари билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради.

Экология ҳуқуқи ҳам табиат-жамият тизимидаги глобал аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда биринчи навбатда экологик умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган тамойил, усул ва қойда-талаблардан фойдаланилади, иккинчидан, оила мураккаб экологик муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий тартиботини таъминлашда ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг бошқа соҳаларининг куч ва имкониятларидан фойдаланади. Чунки, экология ҳуқуқи ҳал қилишга қаратилган экологик муаммо ва вазифаларнинг кулами кенглиги мураккаб ва аҳамиятлилиги сабабли фақатгина жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий жабҳаларида мавжуд бўлган барча восита чоратadbирларни сафарбар қили шорқали экологик муносабатларни тартибга солиш мумкин.

Шунинг учун ҳам экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда экологик тамойил, қойда ва талаблар билан бир қаторда бошқа ҳуқуқ соҳалари, яъни маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат ва ҳужалик-ҳуқуқий восита ва қойда-талаблардан фойдаланади.

Демак, экология ҳуқуқи – табиат ва жамият тизимида пайдо бўладиган экологик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг камровли ва куп тармоқли ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир хил ёки, ҳуқуқ соҳаси ёки ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тутган ўрнива тартибга солинаётган муносабатларнинг куламига кура узига хос хусусиятларига эга бўлади.

Шу жумладан, экология ҳуқуқи ҳам биринчи навбатда ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси сифатида бошқа ҳуқуқ соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойил, шакл ва қойдалардан фойдаланиб ривожланиб бормокда.

Экология – мураккаб тизимга эга бўлган, тирик организмларнинг яшаш шароити билан организмларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатларни урганувчи фандир.

1866 йилда немис биологид ўз илмий асарида биринчи бўлиб «Экологик» атамасини фанга киритиб, унинг маъносини тирик организмларининг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити билан боғлиқлигини урганувчи таълимот сифатида ифодалайди.

Экология атамаси: юнонча «οἶκος» - яшаш муҳити, уй, - «logos» - таълимот, деган маънони билдиради. Бир тил билан айтганда, экология биз яшаб турган муҳит, уйимиз, Ватанимиз хақидаги фандир.

2. Экология ҳуқуқи фанининг ривожланиш тарихи.

Ҳаммамизга маълумки, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирини кузатиш, тадқиқ этиш узок тарихий жараёнига эгадир.

Юкорида таъкидлаганидек, экология атамаси 1866 йилда фанга кириб келди ва экология билан биология таркибидан ажралиб чикди ва уз йуналишлари буйича ривожланиб бормокда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсоннинг табиат илмига бўлган кизиқиши, табиий ресурсларнинг ҳолатини кузатиш, урганиш, табиат бойликларини асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш билан боғлиқ таълимотларни жамият ривожланиш тарихининг барча боскичларида кузатишимиз мумкин.

Табиатда буладиган ўзгаришларни кузатиш, уларнинг ҳолатини тадқиқ этишда хорижий олимлар қаторида бизнинг юртимиз олим ва алломалари Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураззок Самаркандий, Захириддин Мухаммад Бобур, Султон Балхий, Махсуд ибн Вали ва бошқалар улкан ҳисса қушганлар.

Экология ҳуқуқи-табиат билан ҷамият ўртасида ўзаро таъсирлар натижасида пайдо буладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишни урганувчи тил ва ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси сифатида уз ривожланиш тарихига эгадир.

Биз табиат-җамият тизимидаги қадимий-тарихий жараёни урганишда осон булиши мақсадида шартли равишда уч босқичга буламиз:

1. Социалистик тузумгача бўлган бой тарихий давр (1917-1924 йилларгача бўлган босқич);
2. Социалистик тузум (1924-1990 йилгача);
3. Мустақиллик даври 1991 йилдан ҳозиргача.

1-бой тарихий босқич эрамиздан аввалги минг йилликлардан XX асрнинг 20чи йилларигача бўлган даврни уз ичига олиб, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қойда-талабларининг турли-туманлиги, узига хос хусусиятларини кузатишимиз мумкин.

Ҷамиятнинг табиат билан боғлиқ муносабатини тартибга солиш одамлар қабила-қабила булиб бирлашиб, ўз ҳудудларида ер, ўрмон, ҳайвонот дунёси ва табиий ресурслардан фойдаланиш қойда-талаблари жорий қилиниб келинган.

Инсон онгининг ривожланиши, оила меҳнат қуролларининг вужудга келиши, табиат бойликларидан фойдаланиш миқдори ва уз навбатида таъсир курсатиш даражаси ортиб боради.

Айниқса, эрамизнинг ўрта асрларида давлатчиликнинг ривожланиши ва тараккий этишда табиий ресурсларнинг аҳамияти чексиз ҳисобланиб, ер-сувдн фойдаланиш қойда-талаблари ривожлана боради. Айниқса, мусулмон ҳуқуқининг манбалари ва бошқа тарихий-ҳуқуқий аҳамиятдаги меросимизда ер-сув, усимлик, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш талаблари, уларни муҳофаза қилиш мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари каби қойдалар белгиланган булиб, Ушбу соҳада муносабатларни тартибга солиш ката аҳамиятга эга ҳисобланади.

1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида бакалаврият ва магистратура тизимлари учун «Экология ҳуқуқи» укув дастури ҳамда ушбу дастўрни янада ривожлантириш мақсадида «Экология ҳуқуқи жавобгарлик», «Ер ҳуқуқий муаммолари» каби махсус укув курслари дастурлари ишланиб чиқилди ва тасдиқланди.

3.Экология ҳуқуқининг асосий йуналишлари ва предмети.

Табиат ва ҷамият ўртасидаги ўзаро таъсирлар натижасида турли ижтимоий муносабатлар пайдо булади. Ушбу соҳада ижтимоий муносабатларни биз ижтимоий-экологик муносабатлар деб атаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий-экологик муносабатлар шакли, мазмуни жихатдан турли-туман булиб, Ушбу муносабатларни тартибга солишда ҳам кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилишини такоза этиди.

Ижтимоий-экологик муносабатларнинг йуналишларини илмий жихатдан асосланган ҳолда оқилона аниқлаш уз навбатида, Ушбу муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий механизмни ихчамлаштиради ва амалга оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда табиат-җамият тизимидаги ижтимоий муносабатлар учта куйидаги асосий йуналишларда пайдо булади:

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий муносабатлар;

2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боглик экологик-ҳуқуқий муносабатлар;

3. Аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экологик-ҳуқуқий муносабатлар.

Ушбу экологик-ҳуқуқий муносабатлар йуналишлари уз мазмун- мохиятига кура бир-бири билан чамбарчас боглик булиб, жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирлар тизимида тутган ўрни муаммоларини хал қилишда кулланиладиган чора-тадбирлари, услублари ва узига хос хусусиятлари бир-биридан фарк килади.

Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш-жамиятда ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва усимлик дунёси ҳамда атмосфера хавосини муҳофаза қилиш, табиий ходисалар ва экологик комплексларни саклаш, қайта тиклаш, атроф-мухитнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш билан боглик қойда-талаб, чора тадбирларнинг йигиндиси ҳисобланади. Айниқса XX асрда табиий мухитни муҳофаза қилиш йуналишига ката эътибор берилиб, ҳар бир давлатда турли дастур, режалар ва қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингандир.

Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш билан боглик чора тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари, қойда-талаблар муҳофаза аҳамиятидаги ижтимоий-экологик муносабатларни тартибга солади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш деганда, жамият аъзоларининг уз эҳтиёжларини кондириш мақсадида табиатнинг фойдали қисмларини узлаштиришини тушунилади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва жамиятнинг турли эҳтиёжларини кондириш мақсадида ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари, атмосфера хавоси, ҳайвонот ва усимлик дунёсида фойдаланишга қаратилга илмий жихатдан давлат дастур, режалар ва қонунчилик ҳужжатлари қойда-талаблари йигиндисидан иборатдир.

Аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлаш-антропоген таъсирлар натижасида пайдо буладиган экологик вазияти ва офати минтақаоарида барқарор табиий мухитни саклаш, аҳолининг ҳаёт ива соғлигига таъсир курсатувчи экологик ховфли ва зарарли таъсирларни олдини олиш билан боглик кенг камровли чора-тадбирлар тизимидан иборат.

Экологик хавфсизлик- табиат-жамият тизимининг барқарор ҳолати булиб, бунда атроф-табиий мухит, табиий ресурслар ҳолати, жамият ҳаёт ва инсон соғлигига хавфли таъсирларини олдини олишни кузда тутади.

Экологик хавфсизликни таъминлаш билан боглик ҳуқуқий муносабатлар тизими-атроф табиий барқарорлиги, аҳолининг соғлигига ховфли таъсир курсатувчи омилларни камайтириш, олдини олиш, чеклаш ва бартараф этишга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги куйидаги чора-тадбирларни уз ичига олади;

- экологик хавфли ҳудуд, экология офати минтақаларини аниқлаш;
- экология экспертизасини жорий этиш;
- экологик хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш объектларини паспортлаштириш;
- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш турлари фаолиятига рухсатномалар бериш;
- табиий офат, сел, тошқин ва техноген аварияларни аниқлаш, олдини олиш;
- аҳолининг экологик-ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- аҳолининг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш ва бошқалар.

Экология ҳуқуқининг предмети ва атроф-табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида пайдо буладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишдан иборатдир.

4- Экология ҳуқуқининг тамойиллари, усуллари ва тизими.

Экология ҳуқуқининг тамойиллари табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатлар йуналиши, чегараларини белгилаб беришда экологик- ҳуқуқий механизмнинг барқарорлигини кафолатлайди ва қонунчилик қойда-талабларнинг экологик муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилашда муҳим аҳмиятга эгадир.

Бизга маълумки, экологик ҳуқуқи табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солади. Шу жумладан, табиатнинг инкор этиб булмайдиган қонуниятлари ва ижтимоий ҳатти-ҳаракатлари тартибга солиш жамият-давлат қонуниятлари мавжуд-экология ҳуқуқи тамойилларининг асосий вазифаси шундан иборатки, табиий қонуниятларнинг устуворлигини тан олган ҳолда жамият аъзоларининг табиатга бўлган ҳатти-ҳаракатлари илмий асосланган ҳолда йуналтиришдан иборатдир.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуда хилма-хил ва мураккаб бўлганлиги учун ҳам экология ҳуқуқининг тамойилларини куйидаги тизимга булишимиз мумкин.

1. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тамойиллари;
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид тамойиллари;
3. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тамойиллар.

1). Экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида экологик муносабатларини тартибга солишда давлат ва ҳуқуқнинг куйидаги тамойилларидан фойдаланади:

- Қонунийлик ;
- Ижтимоий адолат;
- Ошқоралик;
- Ишонтириш ва мажбурлов чораларини ҳамкорлиги;
- Шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг бирлигига ва бошқалар.

2). Атроф табиий муҳит барқарорлигини тامينлаш ва табиатнинг муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари куйидагиларни уз ичига олади:

- Биосфера ва экология тизимлари барқарорлиги ҳозирги ва келгуси авлоднинг генетик фондини саклаш;
- Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда табиат қонуниятлари устуворлигини тан олиш;
- Фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга булиш ҳуқуқини таъминлаш;
- Жамиятнинг экологик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштириш;
- Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро уйғунлаштириш;
- Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг табиий ресурслардан фойдаланиш тадбирларини устуворлигини тан олиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантириш;
- Табиий ресурсларни ҳолатини тиклаш мажбурийлиги;
- Экология экспертизасини утказишнинг мажбурийлиги;
- Экологик қонунчилик қойдаларини бузганлик учун жавобгарликнинг кулланилиши ва бошқалар.

3). Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ижтимоий муносабатлар куйидаги тамойиллар доирасида тартибга солинади:

- Табиий ресурслардан факат илмий асосланган ҳолда оқилона фойдаланишнинг зарурлиги;
- Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фаолиятини рағбатлантириш;
- Ер, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва усимлик дунёсидан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тулаш ва умумий асосида фойдаланганлик учун ҳақ туламаслик;
- Ерлардан белгиланган тоифалар доирасида мақсадли фойдаланиш;
- Кишлоқ хужалигига мулжалланган ерларнинг устуворлиги;
- Табиий ресурслар кадастрини юритиш мажбурийлиги ва бошқалар.

Экологик ҳуқуқий муносабатлар тизимида куйидаги усулардан фойдаланилади:
Экологизациялаштириш;

Маъмурий-ҳуқуқий;
Фуқаровий-ҳуқуқий;

Экологизациялаштириш усули бугунги кунда жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабхаларига тобора кириб бориб, табиат қонуниятларининг устуворлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш жараёнига қулланилиши соғлом экологик муҳитга эришиш заруриятини олдимизга мақсад қилиб қуймоқда, ушбу усул орқали шахс, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхаларининг экологик қойда-талаблар асосида олиб боришни тақозо этади.

Маъмурий-ҳуқуқий усул – давлат ва ҳуқуқнинг муҳим усулларида бири бўлиб, давлатнинг мажбурлов чора-тадбирларининг қулланилишида намоён бўлади.

Экология ҳуқуқида маъмурий-ҳуқуқий усул кенг қулланилиб, атроф табиат муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминловчи қойда-талабларнинг белгиланиши, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан қабул қилинишининг мажбурийлиги, экологик қойда-талабларни бузганлиги учун жавобгарликка чора-тадбирларининг қулланилишида ката аҳмиятга эгадир. Фуқаровий-ҳуқуқий усул – экология ҳуқуқида тобора ривожланиб бораётган усул сифатида бевосита экологик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, моддий рағбатлантириш табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда иқтисодий чора-тадбирларнинг қулланилишида намоён бўлади.

Экология ҳуқуқи – табиат-жамият тизимидаги мураккаб муносабатларни тартибга солиди, шунинг учун ҳам турли тушунчалар, институтлар, тоифалар кенг қулланиб, экологик-ҳуқуқий қойда-талабларни қулланилиши ва мазмунини очиқ беришга хизмат қилади.

Экология ҳуқуқий муносабатлар тизимини урганишни осон бўлиши учун узига хос институт, тоифа ва назарий қойдалар мазмунини бирлаштирган ҳолда экология ҳуқуқи уз тизимига эга.

Экология ҳуқуқининг тизими – экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва мазмунига кура асосий институт, тоифа ва назарий-ҳуқуқий масалаларни маълум тартибда жойлаштириш.

Биз мураккаб экологик ҳуқуқий муносабатлар йўналишларини таҳлил қилиш ва урганишни енгиллаштириш мақсадида экология ҳуқуқи тизимини икки қисм, яъни умумий ва махсус қисмларга бўлиб урганамиз.

Экология ҳуқуқининг **умумий қисми**:

- табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги;
- экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва тизими;
- табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи;
- экология соҳасида давлат бошқаруви;
- экология назорати ва экология экспертизасининг ҳуқуқий ҳолати;
- экология қонунчилиги бузганлик учун жавобгарлик каби мавзуларни уз ичига олиб, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, экология ҳуқуқий механизм ива унинг элементларини умумий экологик ҳуқуқий қойдаларини белгилайди.

Махсус қисми эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ қийдаги:

- ерни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати;
- усимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;
- Алоҳида муҳофаза этишдан табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати;

-Халк хужалиги сохалари ва аҳолии пунктлари атрофни табиий мухитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
-Атроф табиий мухитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби ҳар бир табиат объектининг ҳуқуқий ҳолатини камраб олувчи махсус аҳамиятдаги экологик-ҳуқуқий ҳолатларни уз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- 2.Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
- 3.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
- 5.Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
- 6.Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
- 7.Экология ҳуқуқи. Дарслик. /Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 361 б.
- 8.Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи. Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 320 б.
9. Бринчук М.М. Экологическое право. Учебник. - М.: 2004. - 354 с.
10. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник.-М.: «Бек», 1997.- 367 с.
11. Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. - М.: Дело, 2001. - 768 с.
12. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. // Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 477 б.
- 13.Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Монография. Под редакцией М.Х. Рустамбоева, М.Б. Усманова. - Ташкент: ТГЮИ, 2004. - 200 с.
14. Файзиев Ш.Х. Экологическая политика государства: проблемы правового обеспечения. - Ташкент: 2004. - 240 с.
- 15.Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -131 б.
16. Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунига шарҳ. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 89 б.
17. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. - Тошкент: “Адолат”, 2000. - 352 б.
18. Скрипников Н.К.Правовое регулирование организации и деятельности фермерского хозяйства. Учебное пособие для магистров. – Ташкент: ТГЮИ, 2009, -119 с.

3-Мавзу: Экология ҳуқуқининг манбалари

РЕЖА:

- 1.Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.
- 2.Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари.
- 3.Ўзбекистон Республикаси қонунлари-экология ҳуқуқининг махсус манбаи сифатида.

1.Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.

Ҳар бир фан, ҳуқуқ соҳаси уз манбаларига эга булиб, ушбу манбалар асосида ривожланади.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда ёрдам берадиган, катнашадиган ҳуқуқий ҳужжатлар экология ҳуқуқининг манбаи сифатида қаралиши мумкин.Экология ҳуқуқининг манбаи сифатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат манбаи булиб хизмат қилмайди.

Экология ҳуқуқининг манбаи сифатида қаралаётган ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинганлиги;

Белгиланган доирада мажбурий аҳамият касб этиши;

Экологик қойда-талабларни белгилаши;

4. Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга булиши, хоказо.

Экология ҳуқуқининг манбаи деганда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган қонунчилик ҳужжатлари тушунилади.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи конституциявий қойдалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг меъёрий ҳужжатлари йигиндиси экологик қонунчилик ҳужжатлари тизимини ташкил этади.

Экология ҳуқуқининг манбалари кенг тармоқли ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун ҳам уларни қуйидаги таснифлаш мумкин:

1. Юридик кучи бўйича манбаларни қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларга бўлинади:

2. Экологик муносабатларни тартибга солиниши йуналишлари бўйича:

- табиатни муҳофаза қилиш қонунлари;

- табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш қонунчилиги;

- аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қонунчилиги.

3. Муносабатларни тартибга солиш предмети бўйича:

- умумий ва махсус экологик қонунчилик ҳужжатлари.

4. Ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати бўйича моддий ва процессуал аҳамиятдаги қонунчилик ҳужжатлари;

5. Қонунчилик ҳужжатларининг тизими бўйича оддий кодификациялашган манбалар;

6. Қонунчилик ҳужжатларининг кулланилиш доираси бўйича:

- ҳудудий-минтақавий

- республика миқёсида

- халқаро миқёсдаги манбалар ва хоказо.

Демак экология ҳуқуқининг манбалари экологик муносабатларни тартибга солишда табиий қонунлар ва жамият қонунчилиқ ҳужжатларини мужассамлаштирган ҳолда тартибга солади. Бу эса уз навбатида экологик қонунчилиқ ҳужжатларини ҳажмини қупайишига олиб келади.

Табиат-жамият тизимида ўзаро муносабатларни тартибга солишда бир томондан қонун, фармон, қарор, низом каби меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, ушбу қонун ҳужжатларини қулланилишига ёрдам бериш ва даъвомийлигини таъминлашда экологик норматив стандарт ва йуриқномалар каби минглаб меъёрий-техник аҳамиятдаги ҳужжатлар қулланилади.

Экология ҳуқуқининг манбалари бошқа ҳуқуқ соҳалари манбаларига ҳамбарчас боглиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тамойиллари, усуллари, қойдаларини қуллашда умумийликка эгадир.

Лекин шу билан бир қаторда узига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилиқ ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан фарқ килади.

Улар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, экология соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда табиий қонуниятлар устуворлигини эътироф этади, иккинчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамият давлатнинг мавжуд барча восита ва тадбирлардан фойдаланади.

Экологик қонунчилиқ ҳужжатлари биринчидан, табиатнинг устувор қонунларини жамият-давлат қонунчилиқ ҳужжатлари билан мужассамлаштиради, иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва қафолатлашда бошқа ҳуқуқ соҳалари, яъни конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, кишлок ҳужалиқ ҳуқуқи қабиларнинг қонунчилиқ ҳужжатларини экологик масалаларни ҳал қилишга йуналтиради.

Демак, экология ҳуқуқининг манбалари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш билан боглиқ жараёнларда пайдо бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунчилиқ ҳужжатлари тизимидан иборатдир.

Экологик қонунчилиқ ҳужжатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, уз мазмун-моҳиятига кура биз уларни урганишни осон бўлиши учун уч асосий қисмга бўлиб ўрганамиз.

1. Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари;
2. Экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари тизими;
3. Экология соҳасидаги қонуности меъёрий ҳужжатлар тизими.

2. Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари.

Экология ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Конституциямизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳаларидаги асослари мустаҳкамланган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат-ҳуқуқий механизмини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституцияда белгиланган қойдалар орқали жисмоний ва юридик шахслар экологик ҳуқуқ, бурчлари ва эркинликлари ифода этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи махсус қойда-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, экология ҳуқуқи манбаларининг пойдеворини ташкил этади.

Асосий қонунларимизнинг 50,54 ва 100 моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойлиқларимиздан оқилона фойдаланиш билан боглиқ экологик ҳуқуқий қойда-талаблар иустаҳкамландир.

Конституциямизнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб, белгиланиб фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция даражасида мустахкамлайди.

«Жамиятнинг иқтисодий негизлари» деб номланган XII бобда, республикамиз ҳаётининг иқтисодий асослари, яъни мулкчилик масалалари, хужалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, ҳозирги пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу бобнинг 54-моддасида куйидагича белгиланган: «Мулкдор уз мулкига уз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қурикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Ушбу моддада биринчи, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хужалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зиён етказмаслиги, яъни уларнинг экологик мажбуриятлари мустахкамланади.

Конституциянинг 55-моддасида «Ер, ерости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб, ифодаланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини уз ичига олади.

Ушбу конституциявий қойданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларининг халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан факат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлигини, яъни экологик ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустахкамлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари – экология ҳуқуқининг махсус манбаси сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қойда-талаблари ва тамойиллари асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан факат оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинади.

Асосий қонунимизда давлат экология сиёсатининг асосий йуналишлари белгиланса, ушбу конституцион қойдаларга мос равишда қабул қилинадиган қонунларга атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан факат оқилона фойдаланишнинг талаблари, механизми мустахкамланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сунг Ўзбекистон Республикаси куйидаги қонунларни қабул қилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тугрисида»ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тугрисида»ги қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тугрисида»ги қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тугрисида»ги қонуни;

7. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тугрисида»ги қонуни;
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»;
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тугрисида»ги қонуни;
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тугрисида»ги қонуни;
11. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тугрисида»ги қонуни;
12. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тугрисида»ги қонуни;
13. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тугрисида»ги қонуни;
14. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тугрисида»ги қонуни;
15. Ўзбекистон Республикасининг «Хизмат ва махсулотларни сертификатлаштириш тугрисида»ги қонуни;
16. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонуни;
17. Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тугрисида»ги қонуни;
18. Ўзбекистон Республикасининг «Радиация хавфсизлиги тугрисида»ги қонуни ва бошқалар.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боглик ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва улардан муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби экологик-ҳуқуқий қойда талаблари белгилангандир.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидлангани Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари экологик муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, экология ҳуқуқининг махсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, табиат-жамият тизимидаги ўзаро таъсирлар, яъни экологик ижтимоий муносабатларнинг доираси кенг ва мураккаб бўлиб, уларни тартибга солиш жараёнида жамият ва давлат ҳаётининг барча воситаларидан фойдаланади, яъни нафакат экология ҳуқуқининг махсус қойда-талабларидан, балки бошқа ҳуқуқ соҳаларининг қойда-талабларини мавофиклаштирган ҳолда қўлланилади.

Демак, экологик ҳуқуқий механизмини таъминлашда турли ҳуқуқ соҳаларининг қуйидаги меъёрий ҳужжатлари ҳам экология ҳуқуқининг манбаи сифатида қаралади:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекс ива бошқалар.

Ушбу қонун ҳужжатлари ҳам экологик қойда-талабларни белгиланган ҳолда экология ҳуқуқидаги махсус қойда-талаблар билан боглик равишда экологик қонунчиликни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик жавобгарликни қўллаш, табиатдан фойдаланганлик учун солик ва турли туловларни тулаш билан боглик жараёнларни тартибга солиди.

Экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари давлат экологик-ҳуқуқий механизмини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонун ости меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боглик равишда экологик муносабатларни тартибга солиди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
- 2.Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
- 3.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
- 5.Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
- 6.Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
- 7.Экология ҳуқуқи. Дарслик. /Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 361 б.
- 8.Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи. Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 320 б.
9. Бринчук М.М. Экологическое право. Учебник. - М.: 2004. - 354 с.
10. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник.-М.: «Бек», 1997.- 367 с.
11. Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. - М.: Дело, 2001. - 768 с.
12. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. // Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 477 б.
- 13.Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Монография. Под редакцией М.Х. Рустамбоева, М.Б. Усманова. - Ташкент: ТГЮИ, 2004. - 200 с.
14. Файзиев Ш.Х. Экологическая политика государства: проблемы правового обеспечения. - Ташкент: 2004. - 240 с.
- 15.Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -131 б.
16. Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунига шарҳ. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 89 б.
17. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. - Тошкент: “Адолат”, 2000. - 352 б.
18. Скрипников Н.К.Правовое регулирование организации и деятельности фермерского хозяйства. Учебное пособие для магистров. – Ташкент: ТГЮИ, 2009, -119 с.

4-Мавзу: Экология соҳасида давлат бошқаруви

РЕЖА:

- 1.Экология соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси хусусиятлари ва тизими.
- 2.Экология соҳасида давлат бошқаруви тизими.
- 3.Экология соҳасида давлат бошқаруви органлари тизими.

1.Экология соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси,хусусиятлари ва тизими

Экология соҳасида давлат бошқаруви давлат органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатда фойдаланишни ташкил қилишда намоён бўлади ва жамиятда ижтимоий бошқарувнинг таркибий қисми бўлади.

Экология соҳасида давлат бошқарувини шакллантириш орқали давлат ўзининг экологик ваколатини ва экологик сиёсатини амалга оширади. Ушбу бошқаришни ташкил этиш асосида инсон атроф-муҳитни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадлари туради.

Экология соҳасида давлат бошқаруви орқали давлат табиий ресурсларнинг мулкдори сифатида табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида уларни тассаруф этиш ҳуқуқини амалга оширишади.

Экология соҳасида давлат бошқаруви деб ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тушинилади.

Давлат бошқаруви органларининг ижроия фаолияти ушбу органларнинг ижро ҳокимиятида тааллуқлилигидан келиб чиқиб, қонун ва вакиллик органларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган.

Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг фармойиш бериши уларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишда ваколат доирасидаги юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқидан келиб чиқади. Ушбу мажбурий кўрсатмалар кўп маротаба қўлланадиган, яъни улар томонидан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда белгиланади, ёки бир маротаба қўлланадиган, яъни маълум бир ёки бир неча субъектга тааллуқли, масалан, ҳуқуқбузарликни тўхтатиш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти атроф-табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Экология соҳасида давлат бошқаруви қуйидаги тамойилларга асосланган:

- бошқаришнинг қонунийликка асосланиши, яъни давлат бошқарув органларининг экологик муносабатларни тартибга солишда фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ҳамда ҳуқуқлари асосида фаолият юритиши;

- тармоқ ва ҳудудий боқаришни мувофиқлаштиришга, яъни экологик муносабатларни тартибга солишда давлат органларининг фаолияти ҳам ҳудуднинг ривожланишини, ҳам ҳар бир табиий ресурслардан фойдаланишнинг оқилоналиги ва уларни муҳофаза этишнинг таъминланишига қаратилади. Бундан ташқари, экология соҳасида давлат бошқаруви органлари ҳам ҳудудий, ҳам тармоқ бўйсунлигида шакллантирилади, масалан ушбу органларнинг ҳудудий бўлинмалари республика тармоқ органлари (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари бўйича давлат қўмита)сига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсундилар;

- экология масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама ёндошишга, яъни табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этишда ушбу фойдаланишнинг оқилоналиги ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда республика халқ хўжалиги ва аҳолини табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

- экология соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда табиий ресурслардан фойдаланиш ва назорат қилишни ажратиш, яъни экология соҳасида табиий ресурслардан бевосита фойдаланувчилар назорат қилиш ваколатига эга бўлмаслигида, экология соҳасида давлат бошқаруви органларини шакллантириш ҳамда уларни фаолиятларини ташкил қилишда фойдаланиш ва назорат қилиш ваколатларини тартибга солишда фойдаланади.

Экология соҳасида давлат бошқаруви органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган тақдирда айбдор шахсларни жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки у ишлайдиган ташкилотнинг маъмурияти олдида қўйилади, агар экологик назорат органлари маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлсалар, ушбу масалани ҳал қиладилар, суд органларида атроф-табиий муҳитга етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризаларини қўзғатадилар, табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Экологик муносабатларни тартибга солишда давлат бошқаруви органлари бошқариш

услугларини, яъни ижтимоий муносабатлар субъектларига давлат таъсир кўрсатиш усулларини қўллайдилар. Улар таркибига рухсат бериш, ман қилиш, розилик бериш, мажбурий кўрсатмалар бериш киради.

Давлат бошқарувининг рухсат бериш услуги асосан табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этишда қўлланилади. Табиий ресурслардан махсус фойдаланиш фақат ваколатли давлат органларининг рухсати асосида вужудга келади.

Розилик бериш (санкциялаш) услуги деб давлат органларининг фойдаланувчилар томонидан тайёрлаган меъёрларни ҳамда фойдаланишга оид бошқа қоида ва тартибларни тасдиқлаш ва розилик бериши тушинилади.

Экология соҳасида бошқарувни таъқиқлаш услуги атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этишда кенг қўлланилади ва табиий ресурсдан фойдаланиш ёки табиий ҳудудларда маълум бир фаолиятни амалга оширишни таъқиқлаш орқали ман этишда фойдаланади.

Экология соҳасида давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида қабул қилган қарорлари экологик муносабатлар субъектларига нисбатан мажбурий ҳисобланади. Аммо мажбурий кўрсатмалар бериш услуги ушбу давлат органларининг фаолиятида асосан экологик назоратни амалга ошириш жараёнида қўлланилади.

2 . Экология соҳасида давлат бошқарув органлари тизими.

Экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширадиган органларнинг доираси кенгдир. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширадиган органлар умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларига бўлинади. Махсус ваколатга эга бўлган органлар ўз навбатида тармоқлараро ва бир тармоққа оид турларга бўлинади.

Умумий ваколатга эга бўлган органлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

Махсус ваколатли давлат органларига экология соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари киради. Уларнинг фаолияти асосан экологик муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, махсус ваколатли органлар деб номланадилар. Улар тармоқлараро яъни бир неча тармоқларни ва бир неча табиий ресурсларни идора этувчи органларга ҳамда тармоққа оид, яъни маълум бир табиий ресурсни идора этувчи органларга бўлинади.

Экология соҳасида давлат бошқарувининг махсус ваколоти органлари ичида марказий ўринни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси эгаллайди.

Биринчидан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидаги асосий ваколатларни амалга оширади:

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси 1998 йил 24 июлидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ташкил этилган ва унинг Низоми Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлидаги 314-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу орган ер мониторинги, давлат ер кадастрини юритади; давлат участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олади, ер ресурсларини давлат ҳисобини олиб боради, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этилиши устидан давлат назоратини олиб боради; ер тузиш ишларини олиб боради ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31-январ 44-сонли қарори билан

тасдиқланган Низомига (ҚТ, 1996 йил 1-сон 4-м) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Гиодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатга олади ва давлат ер кадастрини юритади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарларда ерни фойдаланишни режалаштиришда қатнашади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 декабрдаги 435-сонли қарори (ҚТ, 1996 йил 2-сон 34-м) билан тасдиқланган Низомига мувофиқ, конларни геологик изланиш, минерал ресурслар фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб боради; ҳудудларни геологик жиҳатдан ўрганилганлигини таҳлил қилади; минерал хом ашё базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади; геологик ўрганиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлайди; конлар тўғрисидаги геологик маълумотлар давлат жамғармасини, фойдали қазилмалар давлат кадастрини, давлат сув кадастрининг ер ости сувлар қисмини юритади; геологик қидирув ишларининг давлат ҳисобини юритади ва рўйхатини олиб боради; қазилма бойликлар жойлашган ҳудудларни қазилма бойликлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда қурилиш учун ер ажратиш масаласи бўйича ҳулоса беради ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва қонунчиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 7 февралдаги Фармониغا мувофиқ , фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун , шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер иншоотларининг қурилиши ва улардан фойдаланиш учун қон ажратиш ҳужжатларини беради; ер ости бойликларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб боради.

Еттинчи, Ўз.Р.Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг органлари , Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26-ноябрдаги 419-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ , давлат сув ҳисобини ва давлат сув кадастрини ер ости сувларининг истеъмол қилиш қисмида юритади, сувдан фойдаланишни режалаштиришда қатнашади, сувдан лимитли фойдаланиш бўйича шартномалар тузади; сунъий сув ҳавзаларини ва каналлардан сувдан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Саккизинчи, Ўзб.Р. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ичимлик сувларнинг ифлосланиши устидан санитар назоратни ,атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Тўққизинчи , Ўз.Р. Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати автотранспортлар тамонидан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўнинчи , Ўз.Р.Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси, давлат сув ҳисобини ва давлат сув кадастрини юритишда иштирок этади, сув ва атмосфера мониторингини амалга оширади.

Ўнбиринчи, Ўз.Р.Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузиридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 7 февралдаги Фармониغا мувофиқ ўрмон хўжалигини юритишнинг давлат бошқарувини амалга оширади, ўрмонларнинг муҳофазасини, химоясини, қайта купайтирилишини ташкил этади, ўрмон ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради; ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва давлат кадастрини юритади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

3.Экология соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ваколатлари.

Экология соҳасида давлат бошқарув органларининг ваколатлари деганда, уларнинг шу соҳадаги фаолиятларининг алоҳида турлари тушинилиши лозим.

Экология соҳасида давлат бошқарув органлари қуйидаги ваколатларни амалга оширадилар:

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан давлат органлари қонун ва ҳукумат қарорларидаги қоидаларини янада ривожлантирувчи ва деталлаштирилган идоравий норматив ҳужжатлар қабул қиладилар.

Давлат органлари атроф табиий муҳитнинг муҳофазасини таъминловчи нормативларни қабул қиладилар. Буларга: сувдан ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган даражада тўпланиши; атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг йўл қўйиладиган даражада тўпланиши, физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошқа зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган даражалари киради.

Экологик стандартлаш орқали асосан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик талабларига жавоб бериши белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги стандартлаш органлари сифатида белгиланган ва улар экологик стандартлашни амалга оширилади.

Табиий объектлар тўғрисида маълумот йиғиш мақсадида давлат органлари уларнинг давлат ҳисобини амалга оширадилар. Ушбу ваколат орқали табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари, яъни уларнинг миқдори, тарқалганлиги, жойлашган жойи ва бошқа тавсифлари аниқланиди. Табиий объектларни дала ҳисоби табиий объектларнинг мониторинги (уларни кузатиш), инвентаризация ёки фойдаланишни рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади.

Табиий ресурслар давлат кадастрларини юритишдан мақсад табиий объектлар ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумотлар олиш, уларнинг ҳолатини аниқлашдан иборат. Табиий объектларнинг миқдори ва сифати, уларнинг ҳуқуқий, табиий, хўжалик ҳолати, фойдаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар тизими табиий объектлар кадастрлари деб номланади. Табиий объектлар кадастрлари ҳар бир табиий объект юзасидан алоҳида юритилади ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофоза қилиш ишлари Республика халқ хўжалиги, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ривожлантириш истиқболларини белгилаш чоғида умумий ваколатга эга бўлган органлар томонидан режалаштирилади.

Табиий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бу ваколатли органларнинг давлат мулки бўлган табиий ресурсларларни давлат номидан тасарруф этиб, улардан фойдаланишни таъкил этишдан иборат. Ушбу ваколатни амалга ошириш йўли билан давлат органлари табиий ресурсларни фойдаланишга ажратиб берадилар ва қайтариб оладилар.

Давлат органларининг табиий ресурсларни ҳудудий жойлаштириш ваколати табиий ресурслардан фойдаланишга бериш тўғрисидаги қарорларни амалга оширишга қаратилган. Табиий ресурсларни ҳудудий жойлаштириш ер тузиш, ўрмон тузиш қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни райолаштириш йўли билан амалга оширилади.

Экологик назорат ваколати табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этилиши устидан кузатув ва текширувлар орқали амалга оширилади. Экологик назоратни умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари олиб борадилар.

Юқорида қайд этилган ваколатлардан ташқари, алоҳида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси бўйича давлат боқаруви органлари махсус ваколатларни амалга оширадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
3. Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
4. И.А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., Ўзбекистон. 2000 йил.
5. И.А. Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997 йил.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
7. Каримов И.А. Ватанчимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
8. Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
9. Экология ҳукуки. Дарслик. /Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 361 б.
10. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳукуки. Дарслик. - Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 320 б.
11. Бринчук М.М. Экологическое право. Учебник. - М.: 2004. - 354 с.
12. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник.-М.: «Бек», 1997.- 367 с.
12. Краснов О.И. Экологическое право: Учебник. - М.: Дело, 2001. - 768 с.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. // Масъул муҳаррир: М.Б. Усмонов. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 477 б.
15. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Монография. Под редакцией М.Х. Рустамбоева, М.Б. Усманова. - Ташкент: ТГЮИ, 2004. - 200 с.
16. Файзиев Ш.Х. Экологическая политика государства: проблемы правового обеспечения. - Ташкент: 2004. - 240 с.
17. Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -131 б.
18. Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунига шарҳ. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 89 б.
19. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. - Тошкент: “Адолат”, 2000. - 352 б.
20. Скрипников Н.К. Правовое регулирование организации и деятельности фермерского хозяйства. Учебное пособие для магистров. – Ташкент: ТГЮИ, 2009, -119 с.

5-Мавзу: Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

РЕЖА:

1. Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг тушунчаси, моҳияти ва турлари.
2. Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий ва моддий жавобгарлик.
3. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
4. Экологик жиноятлар учун жавобгарлик.

1.Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг тушунчаси, моҳияти ва турлари.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлаш чоралари тизимида қонун ҳужжатларига қилмаганлик, экологик талабларни бузганлик учун юридик жавобгарлик чоралари муҳим ўринни эгаллайди.

Юридик жавобгарлик деганда, ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жазо чораларини қўллаш оқибатида ҳуқуқбузарларга салбий оқибатлар туғдириш ва давлат томонидан ҳуқуқ талабларини бажаришга мажбур этиш тушунилади.

Экологияга доир қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарлик ўзининг асосий мақсади ва тамойиллари билан бошқа қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарликдан фарқ қилмайди, аммо маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар ўсимли ва ҳайвонат дунёсига етказилган зарарни такса услуби асосида ундириш ва экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун махсус жазо чоралари, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум қилиш чораларини қўллашдан иборатдир.

Экологик қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қуйидаги мақсадларга эга: табиий объектлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўлаш; атроф табиий муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплаш; янги экологик ҳуқуқбузорликни содир этишни огоҳлантириш.

Экологик ҳуқуқбузарлик деганда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи айбли, ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Экологик ҳуқуқбузорликлар объекти табиий ресурслар, атроф табиий муҳит, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш бўйича белгиланган тартиби ҳисобланади.

Экологик ҳуқуқбузорликларнинг субъекти эса уни содир этувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Экологик ҳуқуқбузорликнинг объектив тамони хатти-ҳаракатнинг ноқонунийлиги, экологик зарарни етказиш ёки етказиш ховфи туғилиши ҳамда экологик муносабатларнинг бошқа субъектларини ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши, ушбу хатти ҳаракат билан вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш билан ифодаланади.

Экологик ҳуқуқбузорликнинг субъектив тамони деганда ҳуқуқбузорликнинг айби тушунилиши лозим. Ҳуқуқбузорликнинг айби қасддан ёки эҳтиётсизлик шакилида вужудга келиши мумкин.

Экологик ҳуқуқбузорлик ўзининг ховфлилик даражасига қараб жиноий, маъмурий, фуқаролик ҳуқуқбузорлик ҳамда интизомий хатти-ҳаракат таризида бўлиши мумкин. Экологик ҳуқуқбузорликлар учун тегишлича интизомий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади. Бундан ташқари экологик ҳуқуқбузорликни содир этган шахсларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши, тўхтатиб турилиши ва ундан маҳрум этилиши мумкин.

2. Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий ва моддий жавобгарлик.

Экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик корхона, ташкилот ва муассасалар билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Экологик ҳуқуқбузарлик учун интизомий чоралар қўллаш учун ходимларга табиий ресурслардан фойдаланиш ва улардан муҳофаза этиш вазифалари юклатилган бўлиши лозим. Ушбу вазифалар меҳнат шартномаларида ёки меҳнат мажбуриятларини тақсимловчи бошқа ҳужжатларда, масалан, мансаб йўриқномасида ўз аксини топиши лозим. Ходим атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқариш ҳисобини тотўғри юритилганлиги, тозалаш ускуналарида фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ва бошқа меҳнат вазифалари билан боғлиқ бўлган экологик мажбуриятларни бажармаганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 181-моддасига мувофиқ меҳнат интизомини бузганлик учун қуйидаги жазо чоралари қўлланилади; хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима; ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилган ҳолларда ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш; меҳнат шартномасини бекор қилиш. Мазкур Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади. Меҳнат кодексининг 180-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланмаслик белгиланган. Бу муддат, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 183-моддасига мувофиқ, агар ушбу жазо бир йил ўтмасдан олдин иш берувчи томонидан олиб ташланмаган бўлмаса, бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Интизомий жазо чоралари корхона, ташкилот, муассаса раҳбари ёки уставда белгиланган бошқа шахс ёки орган (мулкдор, коллегиял орган) томонидан қўлланилади. (Меҳнат кодексининг 82, 182-моддалари). Интизомий жазо чорасини қўллаш тартиби қуйидагилардан иборат, жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати олинади; ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, қайси вазиятда содир этилганлиги, ходимнинг олдинги иш фаолияти ва ҳуқ-атвори инобатга олинади; ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фвқат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин; агар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида бошқа муддат кўрситилган бўлмаса, ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин бир ой ичида ушбу жазо қўлланилиши мумкин. Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки қарор ходимга ёзма равишда маълум қилинади ва у танишганлиги тўғрисида унинг нусхасига имзо қўяди. Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 184-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Атроф табиий муҳитга экологик талаблар бузилиши оқибатида етказилган зарар айбдор шахсдан ундирилади. Агар зарар етказувчи юридик шахс бўлса, у зарарни қоплаш мажбурияти билан бирга, ушбу зарар етказилишига бевосита айбдор ходимни моддий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

Корхона, ташкилот, муассасанинг атроф табиий муҳитга зарар етказилишида айбдор бўлган ходимнинг моддий жавобгарлигининг фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган мулкый жавобгарликдан фарқлаш лозим. Моддий жавобгарликдан ундирилган зарарнинг миқдорини белгилаш ва зарарнинг фақат ходимнинг меҳнат муносабатлари натижасида вужудга келиши билан фарқ қилинади.

Ходимларнинг моддий жавобгарликка тортиш тартиби ва шартлари меҳнат қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Моддий жавобгарликнинг вужудга келиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак; ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, яъни ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида корхона, ташкилот, муассасага ҳақиқий зарар етказилган бўлиши зарур; ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий

боғланиш бўлиши лозим.

3. Экологик ҳуқуқбузорликлар учун маъмурий жавобгарлик

Экологик ҳуқуқбузорликлар учун маъмурий жавобгарлик энг кўп қўлланиладиган жавобгарлик туридир. Маъмурий жавобгарликка тортишга маъмурий ҳуқуқбузорлик асос бўлади. Қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайри ҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузорлик дейилади.

-Жарима. Уни қўллашнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасида белгиланган. Жаримани қўллаш оқибатида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундирилади. Экалогик ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жариманинг миқдори Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60, 65-96, 125, 139, 162, 174, 198, 212, 214-моддаларидада белгиланган;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қироли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш жазоси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади (Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси.). Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ов қилиш қоидалари қўпол равишда бузилган тақдирда ов қилиш қуроллари, ушбу Кодекснинг 94-моддасига мувофиқ эса ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш ёхуд ушбу моддада кўзда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиш мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида табиий объектлар ўзлаштириб олинса (ер эгалланиб олинса, дарахт кесилса, ҳайвонлар ов қилиб ўлдирилса), улар давлатга қайтариб берилади ва бу мусодара ҳисобланмайди. Фақат ҳуқуқбузарнинг мулки бўлган ҳуқуқбузарликни содир этиш қулори ёки ашёси мусодара қилиниши мумкин;

- муҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиш; Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 28-моддаси ва 90-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ов қилиш қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда ов қилиш ҳуқуқидан 15 кундан 3 йил муддатгача маҳрум этилиши мумкин;

- маъмурий қамоққа олиш 3 суткадан 15 суткагача муддатга қўлланади. Маъмурий қамоққа олиш чорасини хомиладор аёлларга, 3 ёшгача боласи бўлган аёлларга, 14 ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялайётган шахсларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, I ва II – гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас (Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 29-моддаси). Экалогик ҳуқуқбузарлик учун маъмурий қамоққа олиш Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 60-моддасида назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик чорасини қўллашда орган ёки мансабдор шахс жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, сабабини, албатта, кўрсатиб туриб, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши (Ўзбекистон Респуликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 20-моддаси) ёки мазкур кодекснинг маҳсус қисми моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаш мумкин.

Экологик жиноятлар учун жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 2-моддасига мувофиқ,мазкур Кодекснинг мақсадларидан бири бўлиб табиий муҳитни жиноий тажовузлардан қўриқлаш ҳисобланади.Ушбу Кодекснинг 193-204 ва 229- моддаларида экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарликлар белгиланган.

Ўз.Р.нинг ЖКнинг 193-196-моддаларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўз.Р.нинг ЖКда белгиланган экологик жиноятлар таркиби экологик ҳуқуқбузорлик натижасида оғир оқибатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Буларга инсоннинг ўлими, одамларнинг оммовий равишда касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши , кўп ёки анча миқдорда зарар етказилиши ва бошқа оғир оқибатлар киради.

Экологик жиноятлар учун Кодекс энг кам иш ҳақининг юз бараваригача жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, олти ойгача қамоқ, беш йилгача озодликдан маҳрум этиш каби жазо чораларни назарда тутди.

Ўз.Р.ЖКни 17-моддасига мувофиқ экологик жиноятлар учун 16 ёшга тўлган, ушбу Кодекснинг 193-196-моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун эса 18 ёшга тулган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўз.Р.ЖКни 193-моддаси экологик хавфсизликка оид норма ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу жиноят саноат, энергетика , транспорт, кишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланишда белгиланган экологик нормаларни бузишдан иборат.

Ўз.Р.ЖКни 194-моддасида атроф табиий муҳитни ифлосланганлиги туғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.И.А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., Ўзбекистон. 2000 йил.
- 2.И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997 йил.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003.
- 4.Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.Саодат РИА, 1997 йил.
- 5.Х.Бобоев, М.Х.Рустамбоев. “Экология ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент давлат юридик институти. Т. 2001 йил.
- 6.Негматов А. «Экология ҳуқуқи.» Дарслик. Т.2006 йил.
- 7.Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.1992 йил.
- 8.Ўзбекистон Республикаси “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.1993 йил.
- 9.Ўзбекистон Республикаси “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.1999 йил.
- 10.Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.1993 йил.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодеси.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодеси.1995 йил.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодеси.-Т.:Адолат,1995-1996 декабр.
- 14.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодеси ва бошқалар.

6-Мавзу: Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати

РЕЖА:

1. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тушунчаси.
2. Ягона давлат ер фонди ва унинг таркиби.
3. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиш асослари ва таркиби.

1. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.

Табиат объектлари ичида ер ресурслари алоҳида ўринни эгаллайди. У мамлакатимиз миллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришни юритишнинг асосий негизи ҳисобланади. Ҳар бир гектар тупроқ қатлами ўзида бир тоннадан ортиқ ўсимлик ва ҳайвонот организминини ҳаётийлигини таъмин этадиган, шунингдек одам учун 99 фоиз озуқа берадиган бактериал биомассани сақлайди.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳар хил восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шундай усуллардан энг муҳимларидан бири – ер бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдир, яъни ерни қонунлар ёрдамида бузилиб ташланишидан, ифлосланишидан, заҳарланишидан, ишдан чиқишидан ҳимоя этишдир.

Ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруриятини яна шу билан тушунтириш мумкинки, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда табиий-илмий, ишлаб чиқариш-ташқилий, техникавий тавсияномаларнинг роли қанчалик катта бўлмасин, уларнинг бажарилиши барча давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилот, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлангандан кейингина мажбурий ҳарактерга эга бўлади.

Ерни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий қоидалар асосон қуйидагиларни тартибга солади: суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мулжалланмаган мақсадларга беришдан ҳимоя қилиш; тупроқни унимдор қатламинини сақлаш; тупроқни эрозиядан сақлаш; ерни агрохимикатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ерни ишдан чиқариб қўйишдан, ботқоқланишдан муҳофаза қилиш; ерни хужасизларча фойдаланишдан муҳофаза қилиш.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда ердан оқилона фойдаланиш, уни қишлоқ хўжалиги оборотидан асоссиз равишда тортиб олишнинг олдини олиш, зарарли антропоген таъсиридан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унимдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушинилади. Бу ҳуқуқий нормалар фақат ер қонунчилигида эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат, кооператив, фермер, деҳқон хўжалиги туғрисидаги қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. Демак, ерларни муҳофаза қилиш комплекс ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади.

2. Ягона давлат ер фонди ва унинг таркиби.

Мамлакатимизда ерлар фойдалангиш мақсадлари, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришни эътиборга олиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини жонлантириш ва ривожлантиришни кўзлаб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳисобга олиб тоифаларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексида кўра (8-модда) мамлакатимизда ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига биноан қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.
2. Аҳоли пунктларининг ерлари.
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар.
5. Тарихий – маданий аҳамиятга молик ерлар.
6. Ўрмон фонди ерлари.
7. Сув фонди ерлари.
8. Заҳира ерлар.

Қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёриқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар эгаллаган ерларга ажралади. Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландик ерлар, кўп йиллик дарахтлар (токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кучатзорлари, мевазорлар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Ер фонди таркибидаги иккинчи тоифа ерларни аҳоли пунктларининг ерлари ташкил этади. Бу ерлар ўз навбатида шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига бўлинади.

Ер фонди таркибидаги навбатдаги тоифани саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадлигига мўлжалланган ерлар ташкил қилади. Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда саноат корхоналарига, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликларини белгиланган тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлар тушунилади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар деб табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай , белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкаларига айтилади. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар аҳолининг даволаниши ва дам олишини таъминлаш учун фойдаланилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибида рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар тушунилади.

Ер фонди таркибида тархий-маданий аҳамиятга молик ерлар мустақил тоифадаги ерлар сифатида ўрин олишлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 75-моддасига кўра, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар деганда тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал боғлар, мозорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади.

Мамлакатимиз ер фонди таркибидаги муҳим тоифалардан бири ўрмон фонди ерларидир. Ушбу тоифа ерлари Ўзбекистон ер фонди таркибида мустақил фондни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 76-моддасида кўрсатилишича, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 87-модда 6-бандига кўра, ўрмон фонди ерлари икки қисмга :1) ўрмон билан қопланган ва 2) ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун бериб қўйилган ерларга бўлинади.

Сув фонди ерлари ҳам ер фонди таркибидаги мустақил тоифа ерлардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексининг 77-моддасига кўра сув ҳавзалари

(дарёлар, кўллар, сув омборлари) гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув хавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Захира ерлар –Ўзбекистон ер фонди таркибидаги сўнгги мустақил тоифани ташкил этиб, доимий эгаллаш ва фойдаланишга берилмаган ер майдонларидир. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 78- моддасида кўрсатилишича, юридик ва жисмоний шахслар эгалигига ҳамда фойдаланишига , ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлардир. Бундай ерлар жумласига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам киради. Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра ҳар қандай бошқа ер фонди тоифасига штиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга ўша ер фондининг ҳуқуқий ҳолати кўлланилади.

Давлат захира ерлари қисқа муддатли -3 йилгача ва узоқ муддатли - 3 йилдан 10 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Захира ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат, транспорт, бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун, жамоа боғдорчилиги ва полизчиликни ривожлантириш учун резерв бўлиб хизмат қилади.

3. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши асослари ва тартиби.

Ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар, яъни ер ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи стихияли таризда келиб чиқмасдан, балки қонунларда белгиланган тартиб ва асосларда вужудга келади .

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўз.Р.нинг Ер Кодексида биноан қуйидаги асосларда вужудга келади: 1)доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида; 2)мерос қилиб қолдириладиган умирбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида; 3)ижарага олиш ҳуқуқи асосида; 4)хусусий мулк ҳуқуқи асосида.

Ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи деганда корхона, муассаса, ташкилотларга ва фуқароларга олдиндан белгиланмаган муддат асосида ер майдонларини бериб қўйишлик тушунилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи деганда деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун бериладиган ер участкаларидан фойдаланиш тушунилади. Бу ер участкалари қонуний мерос ҳуқуқи асосида ворисларга ўтади. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига деҳқон хўжалиги юритиш, уй-жой қуриш, жамоа боғдорчилиги билан шуғулланиш мақсадларида берилади. Ердан ижара асосида фойдаланиш деганда ижарачи томонидан маълум муддатга, маълум ҳақ эвазига ер эгасидан ер участкасини фойдаланиш учун олиш тушунилади. Ер участкаси ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келушувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган , бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ердан ижара асосида ҳозирда асосан фуқаролар фермер хўжалиги юритиш учун фойдаланадилар.

Ердан хусусий мулк асосида фойдаланиш кўчмас мулк жойлашган ер участкаларини сотиб олиш асосида вужудга келадиган тасарруф қилиш , эгалик қилиш ва фойдаланишдир. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 18-моддасига биноан юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш

соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда вужудга келади. Бундан ташқари, дипломатия ваколатхоналари ходимлари чет эл юридик ва жисмоний шахслари уй-жой сотиб олганларида шу уй-жой жойлашган ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Ер участкаларини эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини ва удан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш деганда фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларини тегишли давлат органлари томонидан қайтариб олиш ва шу ер участкасини бундан кейин ўша фойдаланувчи ишлата олиш ҳуқуқига эга эмаслиги тушунилади. Фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларини қайтариб ёки тортиб олиш, ёхуд бошқача қилиб айтганда ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини ва удан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш га фақат тегишли ҳокимликларнинг ҳақлари бор.

Қонунда эгаллик қилиш ҳуқуқи ва удан фойдаланиш ҳуқуқи қандай асослар бўлганда бекор қилиниши мумкинлиги санаб ўтилган. Ана шу асослар юз бергандагина ҳокимликлар ўз ваколатлари доирасида ерга эгаллик қилиш ва удан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиши мумкин.

Ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини ва удан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан биринчиси сифатида ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш белгиланган. Ер участкасидан ихтиёрий кечиш ердан фойдаланувчилар –ташкilotлар, корхоналар, муассасалар, ижарачилар, фуқаролар томонидан амалга оширилади. Ер участкаларини фойдаланишдан ихтиёрий воз кечиш учун ҳар қил сабаблар : тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши , ердан фойдаланишнинг самарасизлиги, ердан фойдаланувчининг имкониятларининг етишмаслиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда бу ҳақда тегишли ҳокимликка муурожаат қилинади.

Ер участкаси берилган муддатнинг тугаганлиги ерга эгаллик қилиш ва удан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асослардан бири ҳисобланади. Ер бемуддат ҳамда муддатди фойдаланиш учун берилади. Ер 10 йилдан 50 йилгача берилиши мумкин. Қишлоқ хужалик ишлаб чиқариши учун бериб қўйилган ерлар энг қимматли ерлар ҳисобланади, аҳолини озик овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ўта аҳамиятга эга. Бундай ерларни қаровсиз ёки фойдаланишсиз қолдирилишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бир йил давомида фойдаланишсиз қолдирилса, унга нисбатан эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади. Ноқишлоқ хужалик ишлаб чиқариш учун берилган ер участкалари, асосон ҳар қил иншоотлар, қурилмалар, уй жойлар ва бошқа қурилишлар учун мўлжалланган мақсадда берилиб, ушбу ерлардан икки йил мабойнида фойдаланишсиз қолдирса, унга эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., Ўзбекистон. 2000 йил.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003.
4. Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Саодат РИА, 1997 йил.

- 5.Х.Бобоев, М.Х.Рустамбоев. “Экология ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент давлат юридик институти. Т. 2001 йил.
- 6.Негматов А. «Экология ҳуқуқи.» Дарслик. Т.2006 йил.
- 7.Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.1992 йил.
- 8.Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”.1998 йил.

7-Мавзу: Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати.

РЕЖА:

1. Ер ости бойликлари тушунчаси, ўзига хос томонлари ва унинг ҳуқуқий ҳолатига тавсиф.
2. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг ҳуқуқий – экологик талаблари.
3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат бошқаруви.
4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар фаолиятини тўхтатиш.

1. Ер ости бойликлари тушунчаси, ўзига хос томонлари ва унинг ҳуқуқий ҳолатига тавсиф.

2.

Ер ости бойликлари нисбий тушунча бўлиб, меъёрий ҳужжатларда у нафақат ер остидаги, балки ер устидаги минерал бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги муносабатларни ҳам инобатга олади. Минерал - ер юзида ва қаърида физик ва кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган, кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари жиҳатдан деярли бир хил бўлган жисм (модда)дир¹. Шундай қилиб минералнинг тупроқ ёки тупроқ ҳосил қилувчи она жинс (лесс - соғ тупроқ)дан фарқи унинг кимёвий таркиби (кимёвий элементлар сони ва унинг ўзаро бирикмаси) ва физик хусусиятлари (сув ва температура режими, катта кичиклиги, синиши, қаттиқлиги) билан фарқ қилади. Айрим мутахассислар ер ости бойликларини ер ости қазилмалари деб ҳам юритадилар. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки планетамизда учрайдиган 3 минг турдан ошiq минералларнинг атиги 200-300 хил тури инсон фаолиятида "қазилма" бойлик сифатида ишлатилади. Ундан ташқари, минераллар нафақат иқтисодий, балки экологик ва маданий-соғломлаштириш вазифа (функция)ларни ҳам бажаради.

Ер ости бойликларининг экологик функцияси - ер устининг табиий фундаменти, тупроқ ва уларни ҳосил қилувчи она жинсларнинг таркиб топишидаги минерал асоси эканлиги. Минералнинг химик, физик ва биологик емирилиши натижасида она жинс (лесслар) ҳосил бўлади ва уларда тирик организмларнинг актив фаолияти эса тупроқ ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай табиий жараён ер ости минералларини экологик тизимларда иштирок этишини таъминлаб беради.

Ер ости бойликларини иқтисодий функцияси - инсонларнинг кундалик ҳаётидаги (энергетика, қурилиш, саноат ва ҳ.к. жабҳаларида) моддий эҳтиёжларини қондириш учун минерал ресурслардан фойдаланишидир.

Ер ости бойликларини маданий-соғломлаштириш функцияси - ер қаъри ва минералларнинг инсон организми учун фойдали томонларини инобатга олиб, дам олиш ва саломатлигини тиклашда фойдаланишидир.

Ер ости бойликларининг ўзига хос томонларидан бири уларни тугалладиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киришидир. Агарда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қайта тикланиш даври бир неча дақиқадан бир неча ўн йилларни,

тупроқ (ер) юзлаб йилларни, сув объекти эса 10 йилдан 5000 йилларни ўз ичига олса минералларнинг тикланиш даври юз минглаб ёки миллионлаб йилларни талаб этади. Инсоният тарихида бу жараён узоқ муддатли давр бўлгани учун ҳам уларни тиклаш имконияти йўқ ёки тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киргазамиз. Бизга маълумки, айрим минераллар (кум, тош, тошқўмир ва х.к.) ер устида ҳам учрайди. Лекин уларнинг аксарияти (90 % ортиги) ер қаърида учрагани учун ҳам биз уларни шартли равишда "Ер ости бойликлари" деб атаемиз.

Шундай қилиб ер ости бойликларига ер ости ва қисман, ер устида учрайдиган минераллар мажмуаси киради. Улар нафақат табиий ресурс сифатида, балки табиий бойлик (объект) сифатида қаралиб, уларни муҳофаза қилиш эса экологик тизимларнинг хавфсизлигини сақлаб қолиш демакдир.

Юқорида келтирилган ва давлатимизнинг ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги давлат сиёсатини амалга оширмоқ учун аввалам бор ушбу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий -меъёрий замин яратмоқ керак. Чунки ёш ва мустақил республикаимиз эндиликда ўз минерал бойликларига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. 9 йиллик мустақиллик даврида Ўзбекистон ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишига оид бир қатор қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Лекин бу билан жамиятдаги ушбу муносабатларни ҳуқуқий замини яратилди деб бўлмади. Мустақил республикаимиз бозор муносабатларига ўтар экан, табиий бойликлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий бошқариш ёки тартибга солиш ўзгариб ва такомиллашиб бораверади. Энг асосийси ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий меъёрларни амалиётда қўллаш механизмини тўлиқ ишлаб чиқишдир. Акс ҳолда қонунларимиз "тишсиз" бўлиб қолиши ва жамиятда ҳуқуқий негизизм ҳолати вужудга келиши мумкин.

Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати деб ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал хом ашёдан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ва унинг натижасида бузилган табиий комплексларни қайта тиклашда юзага келадиган муносабатларни маълум бир даврдаги ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатига айтаемиз.

Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати Конституцияда белгиланган императив нормалар ва унинг асосида ишлаб чиқилган умумлаштирилган (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида...), кодификацияланган (Ер Кодекси, Жиноят Кодекси, Маъмурий жаобгарлик тўғрисидаги Кодекс, Фуқаролик Кодекси...) ва ихтисослаштирилган (Ер ости бойликлари тўғрисида, Концессиялар тўғрисида...) қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Ушбу қонун актлар орқали тартибга солинадиган объект бўлиб ер ости ҳамда сув тагидаги минерал бойликлардир. Улардан ҳуқуқий фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ушбу ҳуқуқ тармоғинининг предметиدير. Ер ости бойликларидан ҳуқуқий тартибга солиш мазмуни рухсатловчи, олдини олувчи ва таққловчи ҳуқуқий меъёрлар орқали уларни муҳофаза қилиш ва ўта самарадорлик билан фойдаланишдир.

2. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза-лашнинг ҳуқуқий -экологик талаблари.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг ҳуқуқий-экологик талаблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50,54 ва 55-моддаларида императив шаклда ўз аксини топган. Уларга биноан ҳар бир фуқаро ёки мулкдор атроф табиий муҳитга (жумладан ер ости бойликларига) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари ва улардан оқилона фойдаланишлари зарурдир. Ушбу зарурий шартлар кенгайтирилган тарзда Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда берилган бўлиб, унга мувофиқ (18-модда) ер ости бойликларидан юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги экологик талаблар асосида фойдаланадилар: қазилма бойликларни қазиб олишда минерал хом ашёдан комплекс ва оқилона фойдаланишни таъминласалар; атроф табиий

муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олсалар; фойдаланилган ер участкаларини рекультивация (қайта тиклаш, яъни бузилган ерларни қайта маданийлаштириш) қилсалар; қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришиладиган даражадагина фойдалансалар.

Умумлаштирилган ҳуқуқий-экологик талаблар ихтисослаштирилган ҳолда 1994 йил 23 сентябр ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ер ости бойликлари ва Концессиялар тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топган ва уларда фойдалаувчиларга нисбатан қуйидагилардан иборат:

- тоғ-кон саноатидаги ишларни (қидирув, ковлаш ва рекультивация қилиш) ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб бориш;

- ер қаърини тўла-тўқис ўрганиш, ер ости бойликларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш;

- конларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобурдгарчилигига йўл қўймаслик;

- ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

- ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

- ичимлик суви сифатида фойдаланиладиган сув тўплаш майдонларида ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларда саноат ва маиший чиқиндилар йиғилиб қолишининг олдини олиш;

- алоҳида илмий ва маданий қимматга молик ер ости бойликлари участкаларини давлат қўриқхоналари ва ёҳуд табиат ёки маданият ёдгорликларига мўлжаллаб ажратиб олиш;

- чет эллик инвесторлар ер ости бойликларидан фойдаланиш давомида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ишларни бехатар олиб боришлари ҳамда ер усти ва ости участкаларини босқичма босқич қайтариб беришлари ва қонун-ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора тадбирларни олиб бориш.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги ҳуқуқий-экологик талаблар бевосита ёки билвосита Чет эл инвестициялари, Мулкчилик, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва Ер Кодекси, Солиқ Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган "Қончилик ташламаларини фойдали қазилма конлари ишлаб чиқиш учун бериш тартиби тўғрисида", "Қазиб олинган ва қазиб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларнинг заҳираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчилар ҳисобидан ўчириш тартиби тўғрисида", "Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқиш пайтида ер ости бойликларини муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари"га бағишланган қарорларда акс эттирилган. Ҳуқуқшунос олим С.Ҳамроевнинг фикрга кўра ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талаблари янада кенгайтирилиб ягона "Ер ости бойликлари тўғрисидаги Кодекс"да ўз аксини топиши керак деган таклиф билан чиқмоқда¹.

Умуман олганда амалдаги меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган ер остидаги бойликлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий-экологик талабларни моҳияти ва вазифаларига кўра 4 гуруҳга мужассамтирилса бўлади:

- ер ости бойликларини тўлиқ ва комплекс ҳолда ўрганиш орқали уларни ишлатиш ёки консервация қилиш орқали муҳофазалаш;

- минерал хом ашёларни қидириш, қазиб олиш ва рекультивация қилишни фақатгина ихтисослаштирилган давлат органлари назоратида олиб бориш ва уларни амалга ошириш давомида атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар

етказмаслик; ;

-ишлатилган конларни ёки уларни эксплуатация қилиш давомида ер участкаларини ўз вақтида рекультивация қилиб бориш;

-ноёб турдаги минерал бойлик ва уларни комплексларини алоҳида муҳофаза қилиш тартибини ўрнатиш.

3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат бошқаруви.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири - давлатнинг бош ислохотчилигидир. Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳозирги замон талабларига мос тушадиган сиёсий йўлини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши керак. Чунки "ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор-давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир"

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солиш "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига биноан қуйидагилардан иборат:

-ер ости бойликлари геологик жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона, комплекс фойдаланиш, улар билан боғлиқ бўлган ишларни бехатар юритишга доир меъёрлар ва қоидаларни белгилаш;

-минерал хом ашё базасини ривожлантиришни таъминлаш; фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишнинг ҳозирги пайтдаги ва истикболга мўлжалланган ҳажмларини белгилаш;

-ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш ва ундириш; ер ости бойликларини муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан текширув ва назоратни олиб бориш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажаришда давлат бошқарув органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳар бир давлат органининг ўзи тўғрисидаги Қонуни ёки Низомига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир муносабатларни тартибга солиб туради. Уларни ваколатларининг моҳияти ва мазмунига кўра 2 катта гуруҳга: умумий ва махсус бошқарув ваколатидаги давлат органларига ажратилади.

Умумий бошқарув давлат органларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари киради. Махсус давлат бошқарув органларни ўз навбатида - комплекс, соҳалар ва функционал бошқарув органларига ажратилади.

Ер ости бойликларини ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятига тўғридан тўғри боғлиқдир. Конституциямизнинг 78-моддаси ва 1994 йил 22 сентябр Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонунига (4-модда) биноан давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи:

-ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунларни ишлаб чиқади, қарорлар қабул қилади ва уларни ижросини назорат қилишни ташкиллаштиради;

-унга ҳисобот берувчи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси орқали ер ости бойликларидан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг комплекс назоратини тартибга солиб туради;

-давлатнинг ер ости минерал хом ашё базасидан фойдаланиш дастурларини қабул қилади, бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини тасдиқлайди;

-минерал ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни (таксаларни) жорий

килади ва уларга оид имтиёзларни белгилайди;

-кончилик саноатини ривожлантириш бўйича бюджет харажатларини қабул қилади; миллий ер ости бойликларидан фойдаланиш ёки уларни муҳофаза қилиш бўйича битимларни ратификация (тасдиқлайди) ҳамда денонсация (барвақт тўхтади) қилиш каби ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ички ва халқаро сиёсатни белгилайди. Ушбу соҳадаги ишлар фуқароларнинг экологик хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмаслигининг зарурий чора-тадбирларини кўради. Ер ости минерал хом ашёдан фойдаланиш ва муҳофазасига доир қонунларни имзолайди ҳамда фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қилади. Экологик талофат кўрган тоғ-кон саноатининг ҳудудлари бўйича фавқулодда ҳолат жорий этиш ва шунга ўхшаш бошқарув масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатимизнинг ижро этувчи органи сифатида Конституциянинг 98-моддаси ва 1993 йил 6 майда қабул қилинган ўзи тўғрисидаги қонунга мувофиқ:

-ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунлар ижросини таъминлайди;

-ер ости бойликлари кадастрини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

-кончилик ва у билан боғлиқ бўлган инқирозли ҳолатни бартараф этади ва ер остида бўлаётган табиий офатларни (эндоген жараёнларни) келиб чиқиш сабабини аниқлайди ва уларни экологик хавфсизлик даражасини таъминлашнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

-ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш (рекультивациялаш) бўйича тарғибот, ўқув, таълим ва малака оширишни йўлга қўяди;

-минерал хом ашёлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди ва шунга ўхшаш ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида кончилик муносабатларини тартибга солишда, Собиқ Иттифокдан тубдан фарқли ўлароқ, маҳаллий давлат бошқарув органларининг фаолияти тўлақонли намоён бўла бошлади. Конституциямизнинг 100-моддаси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ улар шаҳар, туман ва вилоят аҳамиятига молик бўлган:

ер ости ва усти минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш бўйича ҳудудий бошқарув, дастурларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

-ер ости бойликлари кадастрини ва мониторингини амалга оширадилар ҳамда уларга биноан маҳаллий тўловларни ундириб оладилар;

-кончилик саноатидан чиққан чиқитларни ташлаш, кўмиш учун рухсатномалар берадилар ва уларни бекор қиладилар;

маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш, тоғ-кон саноати корхоналарнинг экологик фаолиятини назорат қиладилар ва асос равишда уни тўхтатиб қўядилар ҳамда Конституцияга ва бошқа қонунларга зид бўлмаган ҳуқуқий-экологик тадбирларни олиб борадилар.

Махсус кўринишдаги соҳавий бошқарув органлари

Давлатнинг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги махсус ваколат тизимидаги комплекс бошқарувни Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Агентлиги, фавқулодда ҳодисалар бўйича вазирликлар олиб берадилар. Ушбу давлат органлари қайси бир мулкчилик шакллари комплекс равишда ер ости бойликларидан фойдаланилаётганидан қатъий назар, улар фаолиятини инсон саломатлиги ва атроф муҳит ҳолатига безарар олиб бораётганини назорат қилиб берадилар. Бизларга маълумки ер ости бойликларидан бир қатор халқ хўжалиги соҳаларида фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳада ўзининг бошқарув ва назорат бўлинмалари мавжуд бўлиб, улар махсус кўринишдаги соҳавий бошқарув ваколатига эгадирлар.

Ўзбексаноат қурилиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Автомобил йўллари вазирлиги ва шу каби вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ушбу соҳалардаги бошқарув ваколатларини ўзлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширадилар.

Давлат бошқарув органларининг махсус бошқарув тизимида функционал ваколатга эга бўлган давлат идораларининг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишдаги аҳамияти каттадир. Масалан, алоҳида муҳофаза қилишга молик тоғ-саноатига қарашли объектларни ЎЗР ИИБ, ЎЗР МХК каби харбийлаштирилган идоралар томонидан қўриқланиши, улардаги хўжалик ишларини беҳатар олиб борилишига ва оқибатда, экологик инқирозли ҳолатни олдини олишга сабаб бўлади. Давлат стандартлаштириш ва метрология қўмитасининг функционал вазифаси минерал хом ашёларни қидирув ва қазиб олишларни халқаро экологик стандартларга мос келишини тартибга солиб туради. Солиқ инспекцияси эса ўз ваколатига доир ер ости ва усти минерал бойликларидан фойдаланганлик ёки бу фойдаланиш давомида атроф муҳитни ифлослантирганликлари учун хўжалик юритувчи субъектлардан солиқларни ўз муддатида ундириб олиш ва улар орқали билвосита табиатга етказилган зарарни қоплашга имкон берадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат идораларининг функционал бошқарув ваколатлари ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қонунчиликини бузилишни профилактик чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда бузилган қонунчиликка нисбатан жазо чораларини қўллашдан иборатдир.

Т.Р.Мирзаевнинг изланишлари шуни кўрсатмоқдаги, ўз пайтида ва чуқур илмий асосда олиб берилган прокурор назорати тоғ-кон саноатидаги экологик салбий оқибатларни бартараф этишга олиб келар экан.

4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар фалиятини тўхтатиш асослари.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (республика аҳамиятига молик объектлар учун) лицензия (рухсатнома)си асосида юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Уларнинг фойдаланиш муддатлари Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ чекланмаган ва чекланган бўлиши мумкин. Агарда фойдаланиш муддати олдиндан белгиланиб қўйилмаган бўлса, у муддати чекланмаган ҳисобланилади. Аксинча, агарда ер ости бойликларидан фойдаланиш лицензияда белгилаб қўйилса чекланган бўлади. Масалан, чет эл юридик ва жисмоний шахсларга Концессиялар тўғрисидаги қонуннинг 3,15,17-моддаларига биноан танлов ва аукцион ўтказиш орқали 15 йил муддатга Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ер ости бойликлари фойдаланиш учун берилади. Заруриятга қараб бу муддат маълум бир даврга, лекин 15 йилдан ошмаган ҳолда, узайтирилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш асосий мақсад ва вазифаларига қараб 5 турга

бўлинади:

геологик жихатдан ўрганиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекция боп материалларни тўплаш;

давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжларини таъминлаш.

Геологик ўрганиш учун бериб қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланган ер қаърини геологик ўрганиш лойиҳасига асосан берилади. Ушбу ишларни бошлаш учун бундай фаолиятни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер участкаларини эгаллашга рухсат олиш керак бўлади. Чет эл юридик шахсларга, қўшма корхоналарга геологик ўрганиш учун ер ости бойликлари концессия шартномаси асосида берилиши қонунда назарда тутилган.

Ер ости бойликларини фойдали қазилмалар қазиб олиш учун бериш махсус лицензиялар асосида амалга оширилади. Унинг учун ер ости минерал бойликлардан фойдаланиш мақсади, қон жойлашган майдон, техноген ҳосилалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган корхона лойиҳалари, қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, зарарли моддалар, радиоктив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини жойлаштириш ҳуқуқлари бўлиши керак.

Юридик ва жисмоний шахсларга ер ости бойликларидан фойдаланишнинг бир йўла бир неча тури учун лицензиялар берилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган лицензия Ер Кодексининг 17-моддасига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланувчиларга ер участкасини ажратишга асос бўла олади. Қон ажратмалари Саноатда ва қончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги томонидан берилади. Фойдали қазилма қонларини тажриба-саноат йўсинида ишлатиш (нефть ва газ қонлари бундан мустасно), ер ости чучук сувларини чиқариб олиш, нодир тош хом ашёсини намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа коллекция боп геологик материалларни тўплаш учун лицензияга мувофиқ бериб қўйиладиган ер ости бойликлари участкаларига қон ажратмаси талаб қилинмайди. Геология ва қидирув ишларини молиявий таъминлаган юридик ва жисмоний шахслар қидириб топилган қонни ишлатиш учун лицензиялар олишда мутлоқ ҳуқуқга эгадирлар.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

ер қаърини геологик ўрганиш ишларини бажариш учун ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ер участкаларидан фойдаланиш;

ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер ости бойликлари тўғрисида олинган ахборотлардан, шунингдек қазиб олинган минерал хом ашёдан фойдаланиш (айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси қазиб олинган минерал хом ашёни тасарруф этишнинг алоҳида шартларини вақтинча белгилаб қўйиши мумкин);

башарти лицензияда ўзга қоида белгиланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланиш.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

-ер қаъридан белгиланган мақсадли фойдаланиш;

-ишларни ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб бориш;

-ер қаърини геологик тўла-тўқис ўрганиш, ер ости бойликларидан оқилона, комплекс фойдаланиш ва муҳофаза этиш;

-қонларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлада фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобудгарчилигига йўл қўйилмаслик;

-заҳиралар ҳолати ва улардаги ўзгаришлар, фойдали қазилмаларнинг

нобудгарчилиги ва камайишини ҳисобга олиб бориш, шунингдек захираларнинг ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқиш, қайта тасдиқлаш ва чегириб ташлаш;

-қазиб олинаётганда қўшилиб чиқадиған, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмаларни сақлаш ва ҳисобга олиб бориш;

-сув чиқариб олиш иншоотлари ва уларнинг атрофидаги ҳудудда ер ости сувлари ҳолатини кузатиб бориш;

-ер ости сувлари ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида ер ости сувларини муҳофаза қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи органларни зудлик билан хабардор қилиш; ер ости бойликларида фойдаланиш билан боғлиқ ишларни хавфсиз олиб бориш, фалокатларни тугатиш режаларини ишлаб чиқиш;

-ер ости бойликларида фойдаланиш билан боғлиқ ишларни зарарли таъсиридан атроф табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни муҳофаза қилиш;

-ер ости бойликларида фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ҳужжатлари ва ўзга ҳужжатларнинг юритиш ҳамда уларни асраш;

-Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология фондида ер қаърига оид ахборотлар, шунингдек фойдали қазилма захираларининг ҳолати ва ўзгариши ҳамда уларнинг таркибидаги компонентлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;

-ер ости бойликларида фойдаланиш чоғида бузилган ер участкалари улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

-ер ости бойликларида фойдаланиш учун тўловларни ўз вақтида тўлаб боришни таъминлаш.

Агарда ер ости бойликларида фойдаланувчилар Ер ости қонунчилигида кўрсатилган ҳуқуқий-экологик талабларни ўз муддатида ва меъёрида бажармасалар уларни фаолиятларини тўхтатишга асос бўла олади. Бу асослар қуйидагилардан иборат:

-белгиланган муддат тугаганда;

-фойдаланувчи ер ости бойликларида фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганда;

-фойдаланиш учун ер қаъри бериб қўйилган корхона ёхуд ўзга хўжалик фаолияти субъекти тугатилган ҳолларда тўхтатилади;

-ишловчилар ва аҳоли ҳаётига ёки сифат-саломатлигига, шунингдек атроф табиий муҳит ҳолатига яққол хавф пайдо бўлганда;

-ер ости бойликларида фойдаланувчи бир йил мобайнида ундан фойдаланишга киришмаганда;

-ер ости бойликларида фойдаланганлик учун тўлов мунтазам олиб борилмаганда;

-ер ости бойликларида фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузганда; давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжлари учун ер қаъри участкаларини олиб қўйиш зарур бўлганда;

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 24, 30 ва 33-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари талабларини бузганлари тақдирда ер ости бойликларида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкин.

Ер ости бойликларида фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органлар томонидан уларнинг ўзлари берган лицензия ва қон ажратмаси беришга оид далолатномани бекор қилиш йўли билан тўхтатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.И.А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., Ўзбекистон. 2000 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003.
3. Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.Саодат РИА, 1997 йил.
4. Х.Бобоев, М.Х.Рустамбоев. “Экология ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент давлат юридик институти. Т. 2001 йил.
5. Негматов А. «Экология ҳуқуқи.» Дарслик. Т.2006 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”.1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни.-Т.:Адолат,1995 йил 30 август.

8 – Мавзу: Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.

Режа:

1. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари
2. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари. Фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш асослари
3. Ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш
4. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари
5. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари

1.Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари

Ҳайвонот дунёси - табиат бойликларининг бир қисми бўлиб, жамиятда, инсон ҳаётида катта экологик аҳамиятга эга. Ҳайвонот дунёсининг иқтисодий аҳамияти нуктаи назаридан муҳим табиий ресурс, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатбоп, техникавий ва доривор хом ашё ҳамда бошқа моддий бойликлар олиш манбаи эканлиги маълум. Шундай экан уни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш жуда зарурдир. Бу ишда мамлакатимиз қонунлари, Ўзбекистон фуқароларини ҳайвонот дунёсига соҳибкорона ва инсоний муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга, бу бебаҳо дунёни муҳофаза қилиш ҳамда самарали ва оқилона фойдаланишга ёрдам бермоғи лозим. Чунки, ҳайвонларнинг Ўзбекистон фаунасига хос бўлган талайгина турлари йўқолиб кетиш арафасида турибди, айримлари (қулон, турон йўлбарси, ола-була сиртлон ва бошқалари) эса бутунлай йўқолиб кетди. Шу боисдан ҳам ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни ҳуқуқий экологик асосда муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёси ер юзининг ҳамма жойида мавжуд. Қуруқликда яшовчи ҳайвонлар бутун ҳайвонлар турининг 93 фоизини, сув ҳайвонлари эса 7 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, ер юзида яшовчи ҳайвонлар тури хатто ўсимликлар турига қараганда 4 баравар кўп бўлиб, тахминан 2 миллиондан ортиқроқдир. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бутун жониворларнинг 75 фоизи ҳашаротларга тўғри келади. Ҳашаротлардан кейин малюскалар туради (8,8 фоиз), улардан кейин жамики умуртқалилар туради (қушлар, балиқлар, қуруқда-суда яшовчилар, сут эмизувчилар). Умуртқалилар 35600 тур бўлиб, буларнинг ярми балиқлардир. Сут эмизувчилар эса умуртқалиларнинг 0,1 қисmini ташкил қилади. Маълумотларга кўра, кейинги 100-150 йил мобайнида ҳайвонларнинг кўплаб турлари йўқотилиб юборилди. Масалан, 1800 йилгача сут эмизувчиларнинг 33 тури, қушларнинг 30 тури йўқ қилинган бўлса, ундан кейинги 100 йилда 73 тур сут

эмизувчи, 120 тур қушлар батамом йўқолган. Кейинги 50 йилда эса ҳайвонот дунёсининг ундан ҳам қўпроқ вакиллари ўқ қилиб юборилган.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий, экологик, географик ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиб бир қатор янги қонунлар қабул қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш хусусияти шундан иборатки, улар асосан табиатнинг барча объектлари, бойликлари фаолиятининг маълум мутаносибликда сақланиши билан боғлиқ.

Олий Мажлиснинг эътиборли фаолиятида қабул қилинган, "Табиатни муҳофаза қилиш" (1992 й.), "Сув ва сувдан фойдаланиш" (1993 й.), "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар" (1993 й.), "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги (1994 й.), "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш" (1996 й.), "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" (1997 й.), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" (1997 й.), "Ер Кодекси" (1998 й.), "Ўрмон тўғрисида"ги (1999 й.) бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари республикада экологик ҳолатни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жумладан республикадаги мавжуд ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1997 йил 26 декабрдаги сессиясида қабул қилинган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитида ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Мазкур "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида "Ҳайвонот дунёсига нисбатан мулкдорлик" масаласи кўрсатилган. Жумладан унга асосан:

Ҳайвонот дунёси давлат мулки - умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Шундай экан, ҳайвонот дунёси объектларига нималар киришини билиб олиш зарур. Ушбу қонуннинг 4-моддасида қуйидагича таърифланган.

Ҳайвонот дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

-келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар - сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;

-ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тудалари;

-ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари; ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш:

- ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормаларини белгилаш;
- ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;
- ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибни бошқача бузишларнинг олдини олиш;
- ҳайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиши шарт-шароитлари ва кўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;
- хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида ҳайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш;
- камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутқунликда урчитиш;
- ҳайвонлар касалликка чалинганда, уларнинг табиий офатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи туғилганда уларга ёрдам бериш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий-тадқиқотларни ташкил этиш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар ҳамда жамоа бирлашмалари ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам эътиборли ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари зарур. Жумладан фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

- ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадилар;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашадилар;
- экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказадилар;
- жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оладилар;
- ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўядилар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар.

Шу билан бирга ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини олиб борилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Зеро, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб бориш ҳам ушбу муаммо билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан иродавий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари. Фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш асослари

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари, унга амал қилишлари, ҳайвонот дунёси давлат мулки -умуммиллий бойлик сифатида ундан оқилона фойдаланишлари ва давлат томонидан муҳофаза қилиш ишларига бўладиган муносабати тушунилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар бўлиб юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланиши мумкин. Фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш борасида ўзларига тегишли ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширишлари лозим.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда бепул амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини талаб даражасида амалга оширишлари шарт. Ана шундай ҳолатлар "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган қонуннинг 16-моддасида аниқ кўрсатилган. Жумладан, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар: ҳайвонот дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш; тутиб олинган ҳайвонот дунёси объектларига ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқига эгадирлар.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш ҳўжалигини юритувчи юридик шахслар:

- юридик шахсларга ҳайвонот дунёси объектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар беришга;

- юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси объектларидан ов қилиш мақсадида белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши учун улар билан шартномалар тузишга;

- ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқаришга;

- ҳайвонот дунёси объектларидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сотишга;

- сунъий равишда етиштирилиб, табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилган ҳайвон турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

- ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва муддатларига риоя этишлари;

- ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари;

ҳайвонот дунёсидан табиий ғалаларининг бутлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга бериб қўйилмаган ҳайвонларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган усуллар билан фойдаланишлари;

-ҳайвонларнинг яшаш муҳити бузилишига йўл қўймасликлари;
-ҳайвонлар миқдорини ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олишлари;
ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари шарт;
-ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари ва усулларини ҳуқуқий ҳолати ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсидан қуйидаги мақсадларда белгиланган ҳуқуқий нормалар асосида фойдаланилади:

1) Ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий- маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олиб ва ажратиб олмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

2) Ҳайвонларнинг фойдали хусусиятларидан - тупроқ ҳосил қилувчилардан, муҳитнинг табиий санитарларидан, ўсимликларни чанглатувчилардан, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларининг бошқа хусусиятларидан фойдаланиш уларни яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларга ёки улар яшайдиган муҳитга зарар етказмасдан амалга оширилади.

3) Ҳайвонлардан уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларни нобуд қилмасдан, шунингдек улар яшайдиган муҳитни бузмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади

Шунингдек "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига асосан: ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш квоталар асосида амалга оширилади. Квоталар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳисобга олиш маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайвонларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ана шу турдаги ҳайвонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига чеклашлар ёхуд тақиқлашлар белгиланиши мумкин.

Аҳоли соғлиғини сақлаш, кишлоқ хўжалик моллари ва бошқа уй ҳайвонлари касалликларга чалинишининг олдини олиш, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш, ҳайвонот дунёсининг турлари бўйича хилма-хиллигини сақлаб туриш мақсадида ёввойи ҳайвонлар айрим турларининг миқдорини тартибга солиш тадбирлари ўтказилади.

Айрим турдаги ҳайвонлар миқдорини тартибга солиш тадбирлари ҳайвонларнинг бошқа турларига зарар етказилишини истисно этадиган ва уларнинг яшаш муҳит сақланиб қолишини таъминлайдиган усуллар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаларини ҳисобга олиб ҳамда ер, сув ва ўрмон захираларини муҳофаза қилишни амалга оширадиган тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ҳайвон турлари ва уларнинг миқдорини тартибга солиш тадбирларини ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ушбу масалага, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига қуйидагича эътибор берилган. Унга кўра ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

ов қилиш;

балиқ овлаш;

ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;

ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан амалга оширилиши мумкин.

Ҳайвонот олаmidан фойдаланиш ҳукуки мустақил тартиблар мажмуи ҳисобланиб, у экологик ҳуқуқнинг бир қисмидир.

Демак, ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш деганда қонунда белгиланган ва кенг ўрин олган унинг экологик аҳамиятини сақлашга, жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий, эстетик, табиий, тарбиявий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат ва ижтимоий ҳуқуқий экологик тадбирларнинг уйғунлиги тушунилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фикримизча ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий-экологик муҳофаза қилиш ва фойдаланишда, ноёб ҳайвонларни келажак авлодга сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун хорижий мамлакатлар, айниқса, АҚШ, Канада, Англия, Япония, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

3.Ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тури сифатида ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида ов қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий изоҳи кўрсатилган. Жумладан унга асосан:

табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилиш деб ҳисобланади.

Ов саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин,- деб кўрсатилган.

Шунингдек, қонунда балиқ овлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилиши лозим.

Балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини тутиш балиқ овлаш деб ҳисобланади.

Балиқ овлаш саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай вазиятда ҳам ов қилиш ва балиқ овлаш учун юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган ҳуқуқий нормалар доирасида тегишли рухсатномалар бўлиши, яна ов қилиш ва балиқ овлаш учун белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун улар билан тегишли шартномалар тузиши, ов ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқиш ва тегишли жойларга топшириш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари зарур. Таъкидлаш лозимки мазкур қонунда ов қилиш ва балиқ овлашнинг ман қилинган усуллари ҳам ёритилган.

Ов қилиш ва балиқ овлашда умумхавфли қуроллар ва усулларни қўллаш ман этилади.

Фалокатга учраган ва ўзи учун нотабий шароитда турган ҳайвонларни ов қилиш ман этилади (20-модда).

Шуниси эътиборлики ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш уни фаолиятини қонуний такомиллаштириш лозим.

Мазкур қонуннинг 25-моддасига биноан ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан:

ов қилинадиган ва балиқ овланадиган ер-сув майдонлари лойиҳаларининг давлат экология экспертизаси;

ҳайвонлар миқдорини ҳамда ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонлар ҳолатини ҳисобга олиш материаллари;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган квоталар ва рухсатномалар, ҳайвонот дунёси объектларини ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, уларни такрор етиштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Ов тўғрисидаги ҳамда ов қилиш ва балиқ овлаш хўжаликларини юритиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қонун ов қилиш ва балиқ овланадиган майдонларни лойиҳалашда ҳам экологик ҳолат ва вазият инобатга олинган ҳолда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонунга асосан қуйидагилар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим:

барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, амалга оширилиши ҳайвонот оламининг ҳолатига ёки унинг яшаш муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган режадан олдинги, лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари;

ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонларни ташкил этиш лойиҳалари;

ҳайвонларни янги иқлимга мослаш ва дурагайлаш ишларининг лойиҳалари;

ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳити учун хавфли бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (7-модда).

Демак юқоридаги барча ҳолатлар ов қилиш ва балиқ овлашни тўғри қонуний йўлга қўйишга ёрдам беради.

4. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда амалга оширилади. Албатта, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳоллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалари асосида ҳақ эвазига амалга оширилиши ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилишини ҳам таъкидлашимиз лозим. Шунини алоҳида қайд этиш ўринлики, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиб, ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талабларни бузиш ёки уни бажармаслик, унга эътибор бермаслик оқибатида ҳам вужудга келади. "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида ана шу талаблар қуйидагича ифодаланган. Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

ҳайвонларнинг тур бўйича хилма-хиллигини ва улар галаларининг бутлигини

табiiй эркинлик ҳолатида сақлаб қолиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳитини, урчиш шарт-шароитларини ва кўчиб юриш йўллариини сақлаб қолиш;

ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такрор етиштириш;

аҳоли соғлиғини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш.

Демак, барча ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар юқоридаги талабларга риоя қилишлари шарт. Бундан ташқари ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар мазкур қонунда кўрсатилган бир қатор талаблар: яъни, ҳайвонот дунёсининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган фаолият кўрсатса (31-модда), хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалинишининг ва нобуд бўлишининг олдини олиш қоидаларини бузса ва талабларни амалга оширмаганда (33-модда), ҳудудни хўжалик мақсадларида ўзлаштириш пайтида ҳайвонларнинг яшаш муҳитини ва уларнинг урчиш шароитларини сақлаш тадбирларини бажармаганда (34-модда), ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўллариини, яшаш ва урчиш жойларини сақлаб қолиш талаб ва қоидаларини бажармаганда (35-модда), камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаса ёки бузганда (36-модда) ҳам ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор қилиниши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ушбу қонуннинг 27-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олиш зарурати туғилганда;

фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун бошқа асослар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш йўли билан тугатилади.

5. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунида ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг XI бўлими "Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ва табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш", - деб номланади ва мана шу бобда, яъни 47-моддада "Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик" деб кўрсатилган.

Албатта, ҳайвонот дунёсини экологик муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар мавжуд. Шунингдек, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасида ҳам баён этилган.

Интизомий жавобгарлик - бу ҳайвонот дунёсини экологик аҳамиятини ҳисобга олиб, ундан турли мақсадларда фойдаланиш ёки муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

ҳолларда қўлланилади. Ҳуқуқий интизомий жавобгарлик айнан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилаётган, қўрикланаётган, қўпайтирилаётган, сақланаётган қўриқхона ходимларига нисбатан қўлланилади.

Интизомий ҳуқуқий жавобгарлик бевосита меҳнат интизومي бузилиши оқибатида вужудга келиб, айнан шу ходим ишлаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик, шунингдек майда қонун бузиш ҳолларида ҳам содир бўлиб кўпроқ меҳнат ҳуқуқи нормалари асосига мувофиқ белгиланади.

Интизомий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат Кодекси"нинг 181-моддаси талаби асосида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланиши лозим.

Фуқаролик жавобгарлик - ҳам ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. У асосан етказилган зарарни қоплаш ёки тўлаш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддасида шундай дейилади. Қонунга ҳилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот, қонунга ҳилоф равишда тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим.

Қонунга ҳилоф равишда тутилган ҳайвонларни ва улардан олинган маҳсулотни айбдор шахслардан олиб қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорлар ва тартибда ундирилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чоратadbири сифатида, маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик белгиланади. Мазкур жавобгарлик тури маъмурий экологик ҳуқуқбузарликни содир этган субъектларга нисбатан қўлланилади. Ушбу жавобгарлик тури, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексида аниқ кўрсатилган.

Жумладан ушбу Кодексининг 90-моддасига мувофиқ:

ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ва балиқ тутиш, шунингдек ов қилишга ёки балиқ тутишга оид бошқа қоидаларни мунтазам равишда бузиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Мазкур, Кодексининг 92-моддасида эса бошқача содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳолати баён этилган. Унга кўра, ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўллариини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш

қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яна, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 93-моддасига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб келиш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусиятли томони шундаки, ушбу Кодексда "Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни қириб кетиши, йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун, содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ва жазо чораси ҳам кўрсатилган:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдирик қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инлари, уялари ва бошқа яшириниш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қириб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (94-модда).

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбири сифатида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланади. Албатта жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик бошқа ҳуқуқий жавобгарлик турларига нисбатан анча оғир формада ҳайвонот дунёсини ўлишига, қириб кетишига, камайиб қолиши ёки бошқа ҳолатларда содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади. Содир этилган ушбу ҳуқуқбузарлик учун, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, Жиноят Кодексининг 202-моддасида аниқ жавобгарлик ва жазо чораси белгиланган. Унга кўра овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик олампидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,-

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса,- энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.И.А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т., Ўзбекистон. 2000 йил.

2.И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997 йил.

3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003.

4.Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.Саодат РИА, 1997 йил.

5.Х.Бобоев, М.Х.Рустамбоев. “Экология ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент давлат юридик институти. Т. 2001 йил.

6.Негматов А. «Экология ҳуқуқи.» Дарслик. Т.2006 йил.

7.Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.1992 йил.

8.Ўзбекистон Республикаси “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.1993 йил.

9.Ўзбекистон Республикаси “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил.

9-Мавзу: Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати

РЕЖА:

- 1.Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий характеристикаси.
- 2.Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора тадбирлари.
- 3.Атмосфера ҳавоси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий характеристикаси.

Атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, у умумий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Атмосфера ҳавосининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ белгиланади. Атмосфера ҳавоси атроф табиий муҳитнинг асосий объектларидан бири бўлиб, у экологик ва иқтисодий вазифаларни бажаради. Атмосферага кирувчи ҳар хил моддалар инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ҳаётий манбаси ҳисобланади. Атмосферага саноат корхоналаридан ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланади ва унинг таркибидаги моддалар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади, ва ниҳоят, атмосфера ҳавоси ҳаво транспортининг макони (фазо) ҳисобланади.

Экология ҳуқуқи билан атмосфера ҳавосининг табиий объект сифатида муҳофаза этилиши тартибга солинади. Турар жой, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш хоналаридаги ҳавонинг ҳолати экологик қонун ҳужжатлари билан эмас, балки санитария нормалари билан тартибга солинади. Атмосфера ҳавоси ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи ёки фойдаланиш ҳуқуқи объекти бўлмаслиги ҳисобланади, чунки атмосфера ҳавосини табиий хусусиятига кўра бўлиб ва чегаралаб бўлмайди. Шунга қарамай, ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги атмосфера ҳавосига нисбатан суверен ҳуқуқларга эга ва ундан бошқа давлатлар томонидан ҳаво йўли сифатида фойдаланиш фақат шу давлатнинг рухсати асосида амалга оширилиши мумкин. (Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексини 1-моддаси).

Атмосфера ҳавосининг ҳуқуқий ҳолати уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ. Давлат атмосферани ифлосланиши ва унга ўзга зарарли таъсир кўрсатишнинг чегараларини белгилайди. Ушбу чегаралар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ва нормативлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича огоҳлантирувчи, ман қилувчи, рухсат этувчи норма ва ташкилий чора-тадбирлар белгиланган.

Атмосфера ҳавоси ифлосланишдан ва зарарли физикавий таъсир кўрсатишдан муҳофаза этилади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши деганда, унга зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш тушунилади. Атмосфера ҳавосига акустик (шовқин), электромагнит, ионлаштирувчи (радиацион) ва бошқа хил зарарли физикавий таъсир кўрсатилиши мумкин.

Атмосфера ҳавоси ифлослантириш ва унга физикавий таъсир кўрсатишнинг объекти бўлиб стационар (доимий) ёки ҳаракатланувчи манбалар бўлиши мумкин. Стационар манбалар қаторига корхона, ташкилотлар ва бошқа кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган атмосфера ҳавосига чиқинди ташловчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи объектлар ҳисобланади. Ҳаракатланувчи манбалар сифатида транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар (карбюраторли ёки дизел двигатели билан ишловчи электрогенераторлар, компрессорлар ва ҳакозалр) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш қоидаларини ҳам белгилайди.

Атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш деганда, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳавони ёки унинг таркибидаги зарурий элементларни (масалан, кислород, азот ва бошқалар) чиқариб (тортиб) олиш ҳисобланади. Атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш белгиланган мейёрларга асосланиши лозим.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдини олиш ҳозирги замонда нафақат давлат ичида, балки халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга, чунки юқорида қайд қилинганидек атмосфера ҳавосини чегаралаб бўлмайди ва ҳаво оқими билан ифлослантирувчи моддалар бир давлатдан бошқа давлат ҳудудларига ўтади ва шу давлатдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳамда инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда нафақат давлатнинг ички қоидалари билан, балки халқаро нормалар билан ҳам тартибга солиш лозимдир.

2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган. Улар инсон ҳаёти ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун қулай атмосфера ҳавосини таъминлашга қаратилган. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлардан иборат бўлиб, булар бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда давлат бошқарув органларининг ташкилий фаолияти (атмосфера ҳавоси сифатини нормативлаш, атмосферага зарарли моддалар чиқариш бўйича рухсатномалар бериш, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш устидан давлат назоратини олиб бориш ва бошқалар) атмосфера ҳавосига зарарли таъсирни олдини олишга қаратилган.

Мазкур Қонунда атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қуйидаги мажбурий амалга оширадиган тадбирлари белгиланган: атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар, биологик организмларнинг ҳисобини юритиш, тозалаш иншоотларидан фойдаланиб, атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш меъёрларига риоя этиш ва бошқалар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида стандартларни белгилаш; атмосфера ҳавоси сифати нормативларини белгилаш; атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини ҳамда атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибга солиш ва бошқа усуллар билан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш амалга оширилади.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар стандартлар орқали белгиланади. Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, бошқа стандартлар эса, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосфера ҳавосининг ҳолатини баҳолаш учун ягона нормативлар белгиланади. Булар атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражадаги тўпламлари, физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошқа хил зарарли таъсир кўрсатишнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражаларидир. Айрим минтақалар учун инсон саломатлиги ва алоҳида табиий объектларни муҳофаза этиш мақсадида атмосфера ҳавосининг сифат нормативларига нисбатан оширилган талаблар белгилаб қўйилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатадиган ҳар бир объект учун нормативлар белгиланади. Булар икки турга бўлиниб: биринчидан, атмосфера ҳавосига

ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг нормативлари, иккинчидан, унга физикавий омилларни зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари. Ушбу нормативлар ҳар бир ифлослантирувчи модда, биологик организм ва физикаий омил учун белгиланади. Атмосфера ҳавосига доимий манбалардан ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган нормативлари корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш нормативлари атмосфера ҳавосининг табиий таркиби ўзгаришига олиб келмайдиган даражада белгиланади ва улар корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органи томонидан тасдиқланади.

Кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари ҳар бир кўчма манбаси тури бўйича стандартлар орқали белгиланади. Ушбу стандартлар атмосфера ҳавосига транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи манбаларнинг ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдори ва зарарли физикавий омиллари бўйича тасдиқланади. Масалан, карбюратор двигателли автотранспорт учун уларнинг чиқинди газларидаги углерод оксиди миқдори бўйича белгиланади. Бу кўрсаткич ҳамма карбюраторли двигателлар учун ягона ҳисобланади.

Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқариш учун ҳамда атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномага асосан йўл қўйилади.

Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи корхона, ташкилот, муассасалар ташкилий хўжалик ва техник тадбирларни амалга ошириши лозим. Зарарли таъсирни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишлари, чиқиндиларни тозалаш учун қурилма, асбоб ва ускуналарни ишга яроқли ҳолда сақлаб, уларни доимий ишлатишга; атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишга мажбурдирлар. Ушбу корхоналар атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариб ташлаши оқибатида тупроқ, сув ва бошқа табиий ресурсларга зарарли таъсир кўрсатмасликни таъминлашлари шарт. Авария ва ноқулай метеорологик ҳолатлар вужудга келганда, тегишли чораларни кўришлари, хусусан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат олиб боровчи органларни огохлантириш, ифлосланиш сабабини бартараф этиши ҳамда атмосферага зарарли таъсир кўрсатишни тўхтатиши лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза этишда давлат органларининг фаолияти катта аҳамиятга эга. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадилар. Ушбу давлат органлари:

- 1) атмосфера ҳавосининг мониторингини, яъни кузатувини олиб бориб, атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичлари ҳисобини ва иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни йиғиб борадилар ҳамда атмосфера ҳавоси ҳолатининг ўзгаришини олдиндан тахмин қилишни олиб борадилар;

- 2) атмосфера ҳавосининг сифатини белгилаш мақсадида ва уни муҳофаза қилиш учун норматив ва стандартларни тасдиқлайдилар. Ушбу норматив ва стандартлар орқали атмосфера ҳавосининг ҳолати ва уни муҳофаза қилиш режалаштирилади;

- 3) атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашга рухсат берадилар;

4) атмосферани муҳофаза қилиш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар устидан давлат назоратини олиб борадилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиологик хизмати (атмосферага зарарли физикавий таъсир кўрсатиш устидан) ва Ички ишлар вазирлигининг автомобил назорат хизмати (автотранспортдан фойдаланиш жараёнида атмосфера ҳавосини ифлослантириш устидан) амалга оширади. Мазкур давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб борганда, қуйидаги ҳуқуқларга эга: ифлослантирувчи манбаларни текшириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларга монеликсиз кириш; тегишли қурилма ва асбоб-ускуналарнинг ишлашини текшириш; тегишли ҳужжатлар, шу жумладан зарарли моддалар ташлаш китоблари билан танишиш; аниқланган ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда олдини олишга қаратилган мажбурий характерга эга бўлган кўрсатмалар беришга; корхона, цех, автотранспорт воситалари, алоҳида объектларнинг фаолиятини ёки ишлатилишини тўхтатиб туриш; белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳамда интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қўйишга ва ҳуқуқбузарлик оқибатида атроф табиий муҳитга етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризасини қўзғатиш ва бошқалар.

3. Атмосфера ҳавоси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда маъмурий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқий ва интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-891 ва 125-моддаларида белгиланган. Мазкур Кодекс қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди: ифлослантирувчи модда ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосини истъеомол қилиш қоидаларини бузиш (85-модда); атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотларидан ҳамда зарарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик (86-модда); чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш, фойдаланишга чиқариш ҳамда фойдаланиш (87, 125-моддалар); қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш ва ёқиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш талабларига риоя этмаслик, битум эритишда махсус қурилмадан фойдаланмаслик (88-модда); ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини бузиш оқибатида атмосфера ҳавосини ифлослантириш хавфини туғдириш ёки ифлослантириш (89-модда); ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш (891-модда).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85, 86, 87-моддаси 1-қисми ва 891-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари бўлиб мансабдор шахслар ҳисобланадилар. Ушбу кодекснинг 87-моддаси 2-қисми, 88 ва 89-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари бўлиб мансабдор шахслар ва фуқаролар, 125-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти эса фақат фуқаролар ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариш ва унга зарарли физикавий таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби кўрсатиб ўтилган

ҳуқуқбузарликларнинг объекти ҳисобланади.

Мазкур моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари атмосфера ҳавосини зарарли моддалар ва биологик организмлар билан ифлослантириш бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мансабдор шахслари, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бўйича эса Соғлиқни сақлаш вазирлигини санитар-эпидемиологик хизматининг мансабдор шахслари, автотранспортдан фойдаланиш жараёнида атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш бўйича Ички ишлар вазирлигининг давлат автомобиль назорати мансабдор шахслари қўллашга ҳақлидирлар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини қўпол равишда бузилиши натижасида оғир оқибатлар вужудга келса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 193-196, 201-моддаларида кўзда тутилган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Мазкур кодекс қуйидаги хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди: Саноат, энергетика ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда экологик хавфсизликка оид норма ва талабларни бузиш (193-модда); атроф табиий муҳитнинг радиацион, кимёвий ва бактериявий ифлослантирганлик тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда); экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслик (195-модда); атмосфера ҳавосини ифлослантириш (196-модда); зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда).

Ушбу ҳуқуқбузарликларни жиноят деб топиш учун мазкур моддаларда кўзда тутилган оғир оқибатлар вужудга келиши лозим. Инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар жиноят деб топиш учун асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бошқа оғир оқибатларни ёритмаганлиги сабабли ҳар бир ҳолатда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб аниқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 193, 195-моддаларида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти мансабдор шахслар, 194-моддада кўзда тутилган жиноятнинг субъекти махсус ваколатга эга мансабдор шахс, 196, 201-моддаларида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти фуқаро ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Мазкур жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида қилинган ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 194-моддасида белгиланган жиноят фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Атмосфера тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик корхона, ташкилот ва муассаса билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Интизомий жазо чорасини қўллаш учун ходимларга атмосфера ҳавосининг муҳофаза этиш вазифалари юклатилган бўлиши лозим. Ушбу вазифалар меҳнат шартномасида ёки меҳнат мажбуриятларини тақсимловчи бошқа ҳужжатда, масалан мансаб йўриқномасида ўз аксини топиши лозим. Ходимга юклатилган ушбу мажбуриятларни бажармаслиги унга интизомий жавобгарликни қўллашга асос бўлади, масалан, атмосферага зарарли моддалар чиқариш ҳисобини нотўғри юритганлиги учун унга интизомий жавобгарлик чораси қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 181-моддасига мувофиқ, меҳнат интизомини бузганлик учун қуйидаги жазо чоралари қўлланилади: хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилган ҳолатларда, ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан

ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 180-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидага мувофиқ интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Интизомий жазо чоралари корхона, ташкилот, муассаса раҳбари ёки уставда белгиланган бошқа шахс ёхуд орган (мулкдор, коллегиял орган) томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 182-моддасига мувофиқ ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин бир ой муддатда қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади. Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 184-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Атмосфера ҳавосига нисбатан экологик талаблар бузилиши оқибатида етказилган зарар айбдор шахсдан ундирилади. Агар зарар етказувчи юридик шахс бўлса, у зарарни қоплаш мажбурияти билан бирга, ушбу зарар етказилишига бевосита айбдор ходимни моддий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Ходимни моддий жавобгарликка тортиш тартиби ва шартлари меҳнат қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Моддий жавобгарликнинг вужудга келиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим: ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, яъни ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида корхона, ташкилот, муассасага ҳақиқий зарар етказилган бўлиши лозим; ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги айбли бўлиши керак, ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ва келиб чиққан оқибатлар, яъни зарар етказилиши билан сабабий боғланиш бўлиши лозим.

Аксарият ҳолларда моддий жавобгарликнинг миқдори қонун билан чекланган, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 201-моддасига мувофиқ, агар мазкур кодексда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади. Агар ходим экологик талабларни бузиб қасддан зарар етказган бўлса ёки алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик ёхуд токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида зарар етказган тақдирда, ҳамда қонунларда, шунингдек Ҳукумат қарорларида назарда тутилган ҳолларда етказилган зарар учун ходим тўлиқ моддий жавобгарликка тортилади (Меҳнат кодексининг 202-моддаси).

Ходим томонидан зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ёки уни мажбурий ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 206 ва 207-моддаларида ўз аксини топган. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг зарар ундириш тўғрисидаги қарори зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши лозим. Зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг қарорига биноан ундирилади, агар зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасанинг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан суд шикоят қилиниши мумкин. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этилмаган тақдирда, экологик ва иқтисодий зарар етказилиши мумкин.

Иқтисодий зарар атмосфера ҳавосининг ифлосланиши оқибатида табиий объектларнинг нобуд бўлиши, бузилиши, йўқ бўлиб ёки камайиб кетиши ҳамда табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг хўжалик манфаатларига зиён етказилишида намоён бўлади. Масалан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг нобуд бўлиши, сувларнинг, тупроқнинг зарарли кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши оқибатида сув ҳамда тупроқнинг фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин, ёхуд сувлар ва тупроқнинг

ҳолатини тиклаш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўшимча сарф харажатлар қилишга мажбур бўладилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш оқибатида экологик зарар табиий шароит ёмонлашуви, табиий объектларнинг сон ва сифат жиҳатдан салбий ўзгаришлари орқали намоён бўлиб, инсоннинг тоза, соғлом ва қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи бузилади.

Қонун ҳужжатларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида унга зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доиралари (чегаралари) белгиланади. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган нормативлари орқали ҳавонинг инсонга ва табиий муҳитга зарар кўрсатмайдиган сифати таъминланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, атмосфера ҳавосига фақат ноқонуний, яъни белгиланган нормативларга риоя этмаганлик оқибатида етказилган зарар ундирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 985-моддаси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддаси ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, етказилган зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Атмосфера ҳавосига фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлиги содир этилиши оқибатда зарар етказилади. Ушбу зарарнинг таркибига қуйидагилар киради: ҳақиқий етказилган зарар, экологик зарарнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлар ва олинмаган даромадлар.

Ҳақиқий етказилган зарарга нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, кишлоқ хўжалиги экинларининг қиймати киради. Табиий объектларни тиклаш, ифлосланган сувларни, тупроқ ва ҳавони тозалашга кетган харажатлар экологик зарар оқибатларини бартараф этишга қаратилган мажбурий харажатларни ташкил этади. Олинмаган даромадга шу табиий объектнинг фойдаланишдан келиб тушиши лозим бўлган, аммо унинг нобуд бўлиши ёки ёмонлашуви оқибатида олинмаган, ёхуд олиш имконияти йўқолган даромад, масалан, тупроғи кимёвий, радиактив моддалар билан ифлосланган ер майдонидан тушадиган даромад ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин. Уни мажбурий ундириш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни ташкил қилувчи давлат органларининг, манфаатдор бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг даъвосига асосан, тегишлича суд ёки хўжалик судининг қарорига асосан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган жавобгарлик жазо чораларидан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунинг 13-моддасида махсус чоралар белгиланган. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқариш, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир рухсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлиқ фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уларнинг ваколат доираси қабул қилган қарорига кўра чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса - тугатилиши мумкин. Ушбу чоралар санкция характерида эга, чунки белгиланган талабларни бузилиши билан боғлиқ, ва улар экологик ҳуқуқий жавобгарлик чораларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.И.А. Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т., Ўзбекистон. 1998 йил.
- 2.И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997 йил.
- 3.Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.Саодат РИА, 1997 йил.
- 4 .Х.Бобоев, М.Х.Рустамбоев. “Экология ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент давлат юридик институти. Т. 2001 йил.
- 5.Ўзбекистон Республикаси “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил.
- 6.Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.1992 йил.